

Тинчлик,
барқарорлик, ҳамкор-
лик — Ўзбекистон
давлатининг урта
устунидир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 19-noyabr, chorshanba № 93 (8742)

ИФТИХОР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

18-noyabr — O'zbekiston Respublikasining
Davlat bayrog'i qabul qilingan kun

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси азиздир. Шу боис байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янраганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг

18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мана, йигирма уч йилдирки, миллий байроғимиз халқро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ҳилпираб турган байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

(Давоми 2-бетда.)



2014 йилги сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди.

Saylov — 2014

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ БОШЛАНМОҚДА

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов оммавий ахборот воситалари ходимларига Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтгани ва унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш ва сайловолди ташвиқотини ўтказиш тартиби тўғрисида қарорлар қабул қилингани ҳақида ахборот берди.

Тадбирда барча сиёсий партиялар қонунда белгиланган муддатларда ўз съезд ва курултойларини ўтказгани ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилгани қайд этилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томони-

дан сиёсий партиялар раҳбарларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари ва уларга илова қилинадиган зарур ҳужжатлар қабул қилинди.

Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган мазкур ҳужжатларни қонунда белгиланган етти кунлик муддат ичида текшириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва масъул ходимларидан иборат ишчи ғуруҳи тузилди. Ҳужжатларни текшириш жараёнида депутатликка номзодлар сиёсий партиялар юқори органлари томонидан кўрсатилгани, ҳар бир сайлов округидан депутатликка биттадан номзод кўрсатилгани, шунингдек, депутатликка номзодларнинг уларга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги масалалари ўрганиб чиқилди.

(Давоми 5-бетда.)

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

МУҲАББАТ, ВАФО ВА САДОҚАТ

ҳар бир ўзбек аёлини маънавий жасоратга чорлайди

«Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар».

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси, 46-модда

Мустақиллик қўлга киритилган илк йилларда юртимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини иш-

лаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида кўплаб эзгу саъй-ҳаракатлар, ижобий ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, миллатимиз давомчилари бўлган хотин-қизларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашда спорт ва жисмоний тарбиянинг муҳим ўрин эгаллаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 15-бетда.)

ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ВА ШХТ ХУЗУРИДА КУЗАТУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИККИНЧИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 2014 йил 18 ноябрь кuni Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн раислигида ШХТга аъзо давлатлар ва ташкилот хузурида кузатувчи мамлакатлар ўртасида халқро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ШХТга аъзо давлатлар ва ШХТ хузурида кузатувчи мамлакатларнинг миллий махсус хизматлари вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида халқро террористик ташкилотлар ҳаракати кучайиб бораётгани ШХТ маконида терроризмга

қарши курашиш соҳасидаги барқарор вазиятга таҳдид солаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ВА ШХТ ХУЗУРИДА КУЗАТУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИККИНЧИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йиғилишда биринчи конференцияда эришилган келишувларни амалга ошириш натижалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида сезиларли натижаларга эришилганини қайд этди. Минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизмга қарши курашиш мақсадида ШХТга аъзо давлатлар ва ташкилот ҳузурида кузатувчи мамлакатлар ваколатли органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур.

ШХТга аъзо давлатлар ва ташкилот ҳузурида кузатувчи мамлакатлар терроризм хавфига қарши курашишда халқро ҳамкорликни мустаҳкамлашда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи сифатидаги ролини янада ошириш тарафдори эканини таъкидлади.

Конференция қатнашчилари ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, террористик ташкилотлар ҳақида маълумотлар тўплаш ва алмашиш янги таҳдид ва хавфларга қарши курашишда самарали восита эканини қайд этди.

ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгаши томонидан маъқулланган ШХТ МАТТ ва ташкилот ҳузурида кузатувчи мамлакатларнинг ваколатли органлари ўртасида терроризмга қарши ўзаро ҳамкорликни тартибга соладиган протоколлар лойиҳалари асосида ҳамкорликнинг ишчи механизмларини ишлаб чиқиш ҳақида келишувга эришилди.

Иштирокчилар конференция юсак савияда ташкил этилгани ва яратилган қулай шароит ҳамда меҳмондўстлик учун ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасига миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафига, халқимизнинг гурури ва ифтихорини ёрқин акс эттирадиган омишлардан бири ҳам айнан байроғимиздир.

ИФТИХОР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамд қилаётган ўғлонлар байроғимиз олдида тиз чўкиб, уни кўзларига суради. Халқро миқёсдаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, голиблик нашидасини суради.

Давлатимиз байроғи спортчиларимизга доимо куч-қудрат, жасорат бахш этади. Спортчиларимиз 2014 йилнинг ўтган даврида миллий ва олимпия спорт турлари бўйича ўтказилган қатор халқро мусобақаларда 186 олтин, 200 кумуш, 239 бронза медални қўлга киритди. Улар эришган ғалабалар шарафига дунё спорт ареналарида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди. Бу миллионлаб юртдошларимиз қалбини чексиз фаҳрга тўлдирди.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур

маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида муҳассам этган. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг — мусавфо осмон ва тиниқ сув еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг

тинчлик ва поклик рамзи сифатида халқимиз забт этадиган довлонларга йўл очади. Яшариш ва янгилашни тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиклар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 олдуз беғуборлик, мукамаллик, донишмандлик ифодасидир.

Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга элу юрт манфати барча нарсадан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод доимо ёдда тутиши лозим.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ЖАМИЯТ РАВНАҚИ

Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-улғайиши йўлида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда.

Туманимизда барча замонавий шароитларга эга 64 умумтаълим, 8 ихтисослаштирилган, 22 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. "Баркамол авлод" маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, муסיқа ва санъат мактаби, ихтисослаштирилган мактаб-интернат, академик лицей ҳамда олтига касб-хунар коллежидан 29 мингга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда, ўзи қизиққан соҳа бўйича билимини бойитмоқда.

Ёш авлод қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдириш, мустиқиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда мунтазам ўтказилаётган "Навоийхонлик", "Бобурхонлик" кечалари, "Маънавият юлдузлари" кўрик-танловлари, шоир ва

ёзувчилар билан ижодий учрашувлар яхши самара бермоқда. Ҳар икки йилда мамлакат миқёсида ўтказиб келинаётган "Нафосат — Ёстуним маним" кўрик-танлови санъатсевар иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ташкилий тадбирлар туфайли таълим-тарбия жараёни янги сифат даражасига кўтарилгани натижасида улкан ютуқларга эришаётган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда. Ўтган ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадаларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида туманимиздан 24 нафар ўқувчи совринли ўринларни эгаллади. Улардан 3 нафари мамлакат босқичида муваффақиятли қатнашди.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлашга қўмаклашиш мақсадида ҳар йили ўрта махсус таълим муассасаларида "Сиз қонунни биласизми?" умумтаълим мактабларида "Ҳуқуқ билимдонлари" танловлари ўтказилаётгани ўз самарасини бермоқда. "Камолот" кубоғи, "Камолот-тур", "Камолот" маликаси, "Камолот" шахмат тахтаси" сингари мусо-

бақалар билан бир қаторда спортнинг волейбол, баскетбол, кураш, мини-футбол, енгил атлетика турлари бўйича беллашувларда эллиққалъалик ёшлар ҳам юқори натижаларга эришмоқда.

Ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳар бир қишлоқ ҳудудида зарур анжомлар билан тўла жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари барпо этилди. Бу ёшларимиз орасидан қўллаб-қувватлашга етишиб чиқишига замин ҳозирламоқда. Белбоғли кураш бўйича Оғабек Қурбонбоев жаҳон чемпионатида совриндорлар қаторидан жой олган бўлса, теннис бўйича Дилрабо Отахонова, Фаридат Ҳасанова Қорақалпоғистон чемпионлигини қўлга киритди. "Гимнастика барча учун" Ўзбекистон аънавий олтинчи очик чемпионатида "Нафосат маликалари" гуруҳидан 11 қизимиз 10 ёшгача бўлганлар орасида олтин медалга сазовор бўлди.

2013 йили "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг Навоий вилоятида бўлиб ўтган мамлакат босқичида туманимиздан "Фантазия" жамоаси биринчи ўринни эгаллагани, жорий йилда "Камалак билимдонлари" кўрик-танловида 59-умумтаълим мактабининг "Баркамол авлод" жамоаси мамлакат босқичига йўллан-

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ма олгани барчамизни хурсанд қилди.

Ёшлар бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда тумандаги касб-хунар коллежларини 43 мутахассислик бўйича 2 минг 137 нафар ўқувчи битирди, уларнинг бандлиги тўлиқ таъминланди. Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида чорвачилиқни ривожлантириш, савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳалар бўйича 13 битирувчи 363 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. 32 битирувчи 64 миллион сўмлик кредит эвазига ҳар бири 200 бошдан парранда парваришламоқда. Эллиққалъа маиший хизмат касб-хунар коллежи битирувчиси Достонбек Отауллаев 260 миллион сўм кредит ҳисобидан гишт ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди ва беш нафар тенгдошини иш билан таъминлади. "Сухроб-Зоҳид" хусусий корхонаси томонидан амалга оширилган 150 миллион сўмлик лойиҳага кўра, 15 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланган бўлса, "Бўстонободмахсусқурилиш" масъулияти чекланган жамиятининг 76 миллион сўмлик

лойиҳаси 8 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш имконини берди.

"Сарибий толчи" фермер хўжалиғи раҳбари Отабек Аҳмедов ёш бўлишига қарамай, юсак натижаларни қўлга киритаётир. У ўтган йили давлатга пахта сотиш режасини ортиғи билан бажариб, фойда ҳисобидан KS-135 трактори сотиб олди. Бу йилги даромадидан паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилиқни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш ниятида.

"Соглом бола йили" Давлат дастури ижроси доира-сида туманимиз марказида ёш оилаларга 20 йил муддатга имтиёзли кредит ҳисобидан иккита кўпқаватли "Камолот уйи" қурилиши жадвал олиб борилмоқда. Янги йил байрами арафасида ушбу уйлар ўз эгаларига топширилади.

Мухтасар айтганда, Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ишлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Неъматилла
ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси Эллиққалъа
тумани ҳокими
(ЎЗА)

2014-yil 19-noyabr, № 93 (8742)

Олмазор туманидаги 249-умумтаълим мактабининг янги ўқув йилида янада чирой очганидан ўқувчиларнинг бир қувончи мингга айланди. Ям-яшил арчалар, кўм-кўк майсалар, турфа гуллар, турли қуш ва жониворларнинг ҳайкалчалари киши кайфиятига кўтаринкилик бағишлайди. Атрофга салқинлик, хуш манзара бағишлаб, салобат тўкиб турган дарахтлар кўкка бўй чўзган... Бу йил ўшбу таълим муассасаси «Йилнинг энг обод таълим муассасаси» республика кўрик-танлови ғолиби деб топилди. Мактабдаги синфхоналар, лабораториялар, информатика ва инглиз тили хоналари рисоладагидек жиҳозланган.

Obod ta'lim muassasasi

нинг юзи эканлигини билган маҳалладошлар ҳам анча фаол. Улар атроф-муҳит тозаллигига жуда эътиборли.

— Ўзим шу мактабда ўқидим, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Василя Аллаева. — Фарзандларим шу даргоҳдан учирма бўлишди, набираларим ҳам шу маскан ўқувчиси. Мевали дарахтлар



МЕҲНАТДАН УНАЁТГАН ГЎЗАЛЛИК

— Мактабимиз 2012 йили капитал таъмирдан чиқарилган эди, — дейди директор Гавҳар Зухуроова. — Бугун жамоамиз билан ҳар бир жиҳоздан асраб-авайлаб фойдаланишга, ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун шароит яратишга астойдил бел боғладик. «Йилнинг энг обод таълим муассасаси» деган эътирофга йиллар давомидаги меҳнатларимиз эвазига эришдик.

— Сиз кўриб турган мана бу хонаки гулларнинг ўз бог-бонлари бор, — дея суҳбатга қўшилди директор ўринбосари Хилола Абдусатторова. — Ҳар бир ўқитувчи синфхонаси озодалиги, орас-талигига масъул. Бугун меҳрини, маҳоратини ишга солиб яратган бу гўзалликка бепарво бўлмасликини ўқувчилари онгига синдириш борасида ҳар бирининг ўз тажрибаси бор. Мисол учун, мен катта танаффус чоғида гулларга сув қуюман, баргига кўнган чангни артаман. Табиийки, бола кўз ўнгига бўлаётган воқеага бепарво қарамайди. Кейинги гал ўқувчи қизлар чангни артса, болалар сув келтириб беришганини кўраман. Демак-

ки, болалар бу кўркемлининг бардавом бўлиши учун ўз ҳиссасини қўиши кераклигини тушунишади.

Ҳа, ўқитувчиларнинг шахсий намунаси болаларни табиатга ғамхўр, атроф-муҳитга эътиборли бўлишга ундайди. Мактаб ошпазю кутубхона мудираси ҳам педагоглар билан самимий бахslashгандек гул ўстириб, ўзига қарашли ҳудудни яшнатишга киришган.

Дарвоқе, таълим муассасасининг кўриниши маҳалла-

экишга, гуллар турини кўпайтиришга ҳаракат қиламан. Набираларим ва уларнинг тенгдошлари табиатга ошно бўлиб ўссин дейман-да.

Маълумки, дарахтлар, гуллар зарарли карбонат ангидрид газини ютиб, кислотадор ишлаб чиқаради. Шу боис халқимиз фақат манзара учун эмас, ҳаво мусоф-фолиги учун ҳам дов-дархат ва гулларни кўп экади.

— Мактаб ҳовлисида гуллар турфа бўлгани боис турлича парваришни талаб

қилади, — дейди биология ўқитувчиси Дилором Аҳмедова. — Ҳамкасблар билан нафақат педагогик тажриба, балки гулни яхши ўстириш борасида ҳам фикр алмашиб тураемиз. Керак бўлса, маҳалла қарияларидан маслаҳатлар сўраймиз. Шу жараёнда амин бўлдимки, гуллар тартибни яхши кўраркан. Муаллим эса болани қанчалик севиб тарбияласа, гулни ҳам шунчалик меҳр билан парваришлайди. Ўғил-қизларни табиатга, гўзалликка ошуфта этиш эса меҳнатсевар, табиатни сеvuвчи, тартибли, қатъиятли, меҳрибон авлодни вояга етказишга пойдевор бўлади.

Таълим муассасаси билан танишар эканмиз, ўқувчидан тортиб мактаб қоровулигача бу жойни ўз уйддек саришта тутишини тушундик. Мактабдаги шарт-шароит, ободликини кўриб, фарзандлари шу ерда таълим-тарбия олишини истаган ота-оналар ҳам кундан-кун

кўпаймоқда. Бугун таълим муассасасида 2866 нафар ўқувчи билим олаётгани шундан далолат эмасми?!

— Ободонлаштиришга ота-оналарни ҳам жалб қилганмиз, — дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Маҳмуда Бадалова. — Мактаб ҳовлисидаги дарахт соясида, гуллар ифоридан фарзанди баҳраманд бўлишини тушунган ота-оналар баҳор келиши билан дарахт ниҳоллари, гул уруғларини экишга қарашадилар. Бола психологияси шундай: улар яқинлари эккан ниҳолни янада авайлайди.

Файзли таълим масканида қузнинг совуқ кунларида ҳам баҳор нафаси уфуриб турибди. Хона ва йўлаклардаги илиқлик гулларни совуқдан асрайди. Ҳовлидаги янгидан экилган дарахтлар, ноёб арчалар, икки-уч йиллик гуллар ҳам турли ташқи таъсирлардан ҳимояланган. Ҳа, дарсни самарали ўтишда билим ва тажриба қанчалик муҳим бўлса, богбон ўқитувчи бўлиш учун ҳам шундай иштиёқ, кунт талаб этилади.

Махбуба КАРИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Б.РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

ўқитувчиларни ташаббускор
ва ижодкор бўлишга ундайди

Касби туманидаги 16-умумтаълим мактабида 3та инглиз тили хонаси замонавий ускуналар билан жиҳозланган. «Ёш тилчилар» тўғраги ташкил этилгани ёшларга яна бир имконият бўлди. Ўқувчилар компьютер ва бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда инглиз тилини пухта ўрганмоқда.

Чет тилини ўрганиш ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтирибгина қолмай, ўзаро фикр алмашиш имкониятларини ҳам ривожлантиради.

— Ҳозирда инглиз тилидан дарс бераётган Ирода Кароматова, Азиза Абдуллаева, Нигора Мўқимова менинг собиқ ўқувчиларим, — дейди инглиз тили фани ўқитувчиси Зиёда Қувватова. — Бугун улар билан ёнма-ён ишлаб, дарсларни ҳамкорликда ташкил этаёпмиз, муаммоларни бартараф қилаёпмиз. Ахборот-ресурс марказимиздаги компьютерлар «ZiyoNET» порталига уланган. Машгулотларда тизимдаги инглиз тилига оид материаллардан унумли фойдаланаяпмиз.

Муассасада барча фан ўқитувчилари инглиз тилини ўрганишга жалб этилган. Ҳафтанинг пайshanба куни «Инглиз тилида сўзлашиш куни» деб белгиланган. Шу куни ўқитувчию ўқувчилар чет тилида

мулоқот қилишга интилади. Уларнинг сазй-ҳаракатлари билан инглиз тили бурчаклари, қизикарли кўргазмалар ўқув қуроллари тайёрланиб, дарсларда қўлланилмоқда.

Ўз касбига садоқатли, ўқув-тарбиявий ишларда ҳамкасбларига намуна бўлаётган педагоглар ойлик маошига директор жамғармаси ҳисобидан устамалар белгиланган.

— Рағбат ўқитувчиларни янада фаолликка, ижодкорликка ундайди, — дейди директор ўринбосари Анвар Мирзаев. — Мактабимизда 652 ўқувчига 64 педагог таълим-тарбия бермоқда. Ўқитувчилардан 21 нафари устама ҳақ олади.

Педагогларнинг самарали меҳнатлари эвазига ўқувчилар турли кўрик-танловларда юқори натижаларга эришмоқда. Хусусан, Бекзод Шарипов инглиз тили фанидан билимлар беллашувининг туман босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, вилоятда муносиб қатнашди. Фан олимпиадасининг туман босқичида Фотима Бахриддинова она тилидан, Сарвиноз Муродиллаева рус тилидан, Гулмира Раҳматиллаева инглиз тилидан 1-ўринни эгаллади.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

16-мактабгача таълим муассасаси Жиззах туманидаги Куёвбоши маҳалласида жойлашган. 60 ўринга мўлжалланган маскан кўркем ва ободлиги билан кўзни қувнатади. Ҳовлига киришингиз билан манзарали дарахт ва арчалар, гулу гиёҳлар баҳри дилингниз-ни очади. Боғча қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги энг обод таълим муассасаларидан бири деб эътироф этилади.

Maktabgacha ta'lim

спорт майдончаларида мунтазам жисмоний машқлар олиб борилади. Туман миқёсидаги «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақалари мазкур боғчада ўтказилади. Негаки, муассаса ҳудудидаги спорт майдончалари ана шундай беллашувни ўтказишга жуда мос.

Шу йили МТМ биноси капитал

ҚИШЛОҚНИНГ ОБОД БОҒЧАСИ

Муассасада 55 ўғил-қиз тарбияланмоқда. Машгулотлар кўргазмалари ва тарқатма материаллар ёрдамида қизикарли ташкил этилмоқда. Мавжуд 10 та марказдаги ўйинчоқлар, рангли-безакли китоблар тарбияланувчилар ихтиёрида. Дарвоқе, эртак қаҳрамонлари асосида ўйинчоқлар яшаш бўйича қўли гул педагогларнинг ташаббуси таҳсинга лойиқ. Тумандаги қатор боғча ходимлари уларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганмоқда.

Кичкинтойларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида жисмоний тарбиянинг ўрни катта. Боғча ҳовлисидаги айвонча ҳамда

таъмирланди. Барча тўғарак машгулотларини намунали ташкил этишга имкон яратилди. Боғчага мебель жиҳозлари ажратилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

— Боғчадаги шарт-шароитдан ҳамма мамнун, — дейди Муҳайё Атанчаева. — Ўғлим ва қизим замон талаби даражасида тарбияланмоқда. Турли тадбирларда, очиқ машгулотларда ўзимиз ҳам иштирок этамиз. Болаларга инглиз тилини ўргатиш ҳам йўлга қўйилгани бизни янаям қувонтирмоқда.

Абдусаттор СОДИКОВ
«Ma'rifat» мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi



Пойтахтимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва уни такомиллаштириш мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

“Оила” илмий-амалий маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда тиббиёт соҳаси мутахассислари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги устувор вазифалар, оналар ва болалар саломатлигини тиклашнинг долзарб масалалари, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Ўзбек кинеси: кеча ва бугун» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда “Ўзбеккино” миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда тегшли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва кинодраматурглар, режиссёрлар, актёрлар, санъатшунослар, талабалар иштирок этди.

Тadbирда кино санъати мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини бадиий акс эттириши, кинематографиянинг халқимиз ҳаётидаги, ёшларимиз тарбиясидаги ролини кучайтиришга хизмат қилиши зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказида “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловининг олий таълим муассасалари ўртасидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

“Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика танловининг олий таълим муассасалари босқичида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртинларининг 550 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчиси, маънавий-маърифий соҳада фаолият кўрсатаётган ходимлари фаол иштирок этди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуни ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тadbирда пойтахтимизнинг Яшнобод туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва саломатлигини сақлаш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ҳудудларни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Тadbирда баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг таълим олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш масалалари доимий эътиборда экани таъкидланди. Айни пайтда туманда олтинта мусиқа ва санъат, учта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, сузиш ҳавзалари, теннис кортлари, стадионлар ва бошқа кўплаб спорт иншоотлари ишлаб турибди. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш устувор вазифалардан биридир. Шу кунга қадар 1,2 минг нафардан зиёд ўғил-қиз иш билан таъминланди.

Матбуот анжуманида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган лойиҳаларнинг натижалари ва келгуси режалар ҳақида атрофича маълумот берилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Юксак эҳтиром намунаси

Президентимизнинг «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори кенг жамоатчилик томонидан бетакрор истеъдод соҳибаси, фидойи аёл зотиға кўрсатилган юксак эҳтиром намунаси сифатида кутиб олинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида ушбу қарор ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари, Хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, ноширлар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари устоз-мураббийлари иштирок этди.

Тadbирда таъкидланганидек, Юртбошимиз ташаббуси билан 1999 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, шу йиллар мобайнида адабиёт, маданият, таълим ва спорт соҳаларида юқори натижаларға эришган

212 нафар ташаббускор ва фаол қизлар ушбу мукофот билан тақдирланганлиги ёшларға кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги олдида Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан қатор ижодий-маърифий лойиҳаларни ташкил этиш режалаштирилган. «Саодат» журнали қошида «Зулфияхоним мактаби» номли тўғрақ фаолияти йўлга қўйилиб, шоира ижодини ёш ижодкорларға ўргатиш, юртимиздаги театрлар саҳнасида «Хотирам синиклари» достони асосида тайёрланган спектакл намойи-

ишини ташкил этиш, «Зулфияхоним меҳр-муҳаббат ва садоқат тимсоли», «Маънавий жасорат соҳибаси» жавзусида иншолар танлови, «Шарқнинг биллур овози» номли фотокўргазмани ўтказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, жойларда шоира ҳаёти ва ижодиға бағишланган мушоиралар, давра суҳбатлари, ижодий кечалар ўтказиш, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг янги китобларини чоп этишға кўмаклашиш, шоира ҳақидаги веб-сайтни янада такомиллаштириш қўмита томонидан ишлаб чиқилган дастурлар сирасига киради.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси Раиси Э.Боситхонова сўзға чиқди.

Назokat ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Янги истеъдодлар кашф этилди

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёт фестивали ҳар йили ўнлаб янги истеъдодларни кашф этиб келмоқда. Яқинда мазкур фестивалнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

“Камолот” ЁИХ Бухоро вилоят кенгаши, “Камалак” болалар ташкилоти, халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармалари қатор муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbирда 6—14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар умумтоз, вокал-чоғлу, рақс, тасвирий-санъат, халқ чоғлулари, наср ва назм йўналишларида ўз маҳоратларини синовдан ўтказди. Айтиш жоизки, кейинги йилларда фестивалға қизиқиш тобора ортиб бораёпти. Ўтган йили тadbирнинг туман, шаҳар босқичларида 1560 нафар ёшлар иштирок этиш истагини

билдирган бўлса, бу йил улар сони 2600 дан ошиб кетди. Уларнинг 380 нафари вилоят босқичига йўлланма олган.

— Мен наср ва назм йўналишида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни кўлга киритдим, — дейди Когон шаҳар 17-ИДУМ ўқувчиси Умида Сатторова. — Болалигимдан адабиётға, шеърятға қизиқаман. Эндиликда ўзим ҳам шеърлар, ҳикоялар ёза бошладим. Бугун ижодимнинг эътироф этилгани мени янада илҳомлантириб юборди.

Яқуний натижаларға кўра, ўн саккиз нафар иштирокчи фестивалнинг республика босқичига йўлланма олди. Вилоят мусиқали драма театрида ғолиб ва совриндорлар тантанали равишда тақдирланиб, диплом ва совғалар топширилди.


И. ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Кўргазмали тақдимот

Чилонзор туманидаги 184-мактабда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг мактабгача таълим шўъбаси томонидан “Болажон” таянч дастури асосида тайёрланган, 5—7 ёшдаги болаларни мактаб таълимиға сифатли тайёрлашға йўналтирилган беш номдаги рангли-безакли китоблар тақдимоти бўлиб ўтди.

Тadbирда мутахассислар болаларнинг нутқини ўстириш, уларни ўқиш ва саводға тайёрлаш, математик тасаввурларини бойитиш, тозалikka, гигиена қоидаларига риоя этишға ўргатишға мўлжалланган китобларнинг аҳамияти ҳақида йиғилганларға кўргазмали тарзда намойиш этилди.

Тумандаги 322-махсус мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари ушбу қўлланмалар ёрдамида болалар билан машғулотлар олиб бориш тартибини ота-оналарға тушунтириб бердилар.



Бектемир туманидаги 289-мактабда ҳам ушбу беш китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотға тақлиф қилинган 70 нафар ота-оналарға қўлланмалар тарқатилди. 578-MTM услубчиси Дилором Мусаеванинг китоблар ҳақидаги қизиқарли тақдимотидан сўнг қўлланмаларни қўлиға ушлаб турган ота-оналар уни варақлашға тушишди ва боғчаға қамраб олинмаган болаларига ўргатиш учун

жонли қўлланма эканини айтишди. Китобларни ўзгача қизиқиш билан томоша қилаётган болаларнинг ҳам қувончи чексиз.

Тadbир якунида ушбу китоблар тумандаги 1650 нафар болаларнинг ота-оналарига ҳам тарқатилиши айтиб ўтилди.

Суннат МУСАМЕДОВ

Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!

«Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши томонидан Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг республика форуми бўлиб ўтди.

Унда республикаимиздаги олий таълим муассасаларининг 75 нафар бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди. Форумда биридан қизиқарли тadbирлар, ўқув машғулот-

лари ва маҳорат дарслари ўтказилиб, малакали мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Турли мавзуларда интеллектуал ўйинлар, маданий ва спорт тadbирлари ташкил этилди.

Форум доирасида кинорежиссёр Хилол Насимовнинг «Гумроҳлар» фильми намойиш этилди.

Намойиш сўнгида киноижодкорлар билан жонли мулоқот ўтказилди.

Нилуфар АХМЕДОВА

2014-yil 19-noyabr, № 93 (8742)

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

ОИЛА — МАЪНАВИЯТ ҚЎРҒОНИ

Фарзанд улғайгандан сўнг ота-онасига ғамхўрлик қилиши, қўлидан юмушни олиши азалий қонуният. Бу қадриятнинг бевоқифа Бош қомусимизда акс этиши, Конституциямизнинг алоҳида боби айнан оилага бағишланиши, миллий анъаналаримизга ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилган ҳуқуқий меъёрларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши натижасида юртимиздаги оилалар мустаҳкамлиги таъминланмоқда.

Оила тинч, аҳил бўлса, қут-барака келаверилади. Оила пойдевори эр-хотин, фарзанд ва ота-оналар ўртасидаги муносабатларга қурилади.

— Ёшларга ҳуқуқий тарбия беришни болалигидан бошлаш лозим, — дейди "Оила" илмий-амалий маркази директор ўринбосари Дилором Муродова. — Фарзандларга қонун, жиноят, жазо нима эканини, ҳуқуқбузарликнинг қандай оқибатларга олиб келиши, қонунларга бўйсунуш ва ҳурмат қилиш, шахсий бурч ва масъулият нималигини ўргатиш ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Бу сазй-ҳаракатларнинг натижаси бола улғайганида, бирор тўсиққа дуч келганида билинади. Ҳаётини мисол. Яқинда кекса бир аёл ёлғиз ўғли ҳулқидан шикоят қилиб қолди. Она фарзандини болалигидан ҳеч нарсага зориктирмай улғайтирибди. Қанча қийин бўлмасин, ўғлининг истакларини рўёбга чиқарибди. Жигарбанди воёга етганида эса кекса онасига қараш ўрнига безори болаларга қўшилиб, кўча одамига айланибди. Маҳалла фаоллари биргаликда йигит билан суҳбатлашди. У индивидуализм, эгоизм иллатига берилиб, фақат ўз манфаати ҳақида ўйларкан. «Менга ақл ўргатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ўзим билганимча яшайман. Хоҳласам уйга келаман, истамасам йўқ. Бировларнинг ташвиши мени қизиқтирмайди...», дейди. Маҳалла фаоллари ва психолог ёрдамида уни тўғри йўлга бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 66-моддасида воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдир, деб белгилаб қўйилган. Афсуски, айрим ота-оналар фарзандини яхши едиради, ичиради, қимматбаҳо кийимлар кийдиради, аммо боласига ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, улғайганида рўзгор тебратиш, ота-онаси оғирини енгиллатишни ўргатиш ачинарлиси ўзининг ҳам бир кун келиб «биров»га айланиб қолиши ҳаёлига ҳам келмайди.

Ота-она ўз фарзандининг тарбияси учун жамият олдида жавобгардир. Чунки болани дунёга келтиришдан кўра уни халққа нафи тегадиган инсон қилиб улғайтириш мушкул. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда оилада ҳуқуқий тарбияни қучайтириш бўйича ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта. Дилором Муродова бу ҳақда шундай дейди:

— Марказимиз оилада ҳуқуқий маданиятни

ошириш мақсадида қатор лойиҳа ва тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Жумладан, Навоий, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида "Оилада ёшларнинг салбий иллатлардан холи бўлиб воёга етишида ҳуқуқий маданиятли ота-онанинг таъсирчанлик даражасини илмий тадқиқ этиш" мавзусида лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги» қонун ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти тушунтирилди. Иштирокчилар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилиб, мавжуд муаммолар аниқланди. Ота-оналарга «Ҳуқуқий маслаҳатни кимдан оласиз?» деган савол билан муносабат қилганимизда уларнинг кўпчилиги маҳалла, «ОАВдан», дея жавоб берди. «Ҳеч қардан» деган жавобни танлаганлар ҳам бўлди. Ёки бўлмаса, «Фарзандингиз сизга муаммосини айтишми?» деган саволга, афсуски, кўпчилик ота-оналар «Йўқ» дея жавоб қайтарган. 15–17 ёшлиларга ҳам алоҳида саволлар бердик. «Ҳаётда сизга ким ўрнатқан бўла олади? (ота-она, ака-опа, бобо-буви)» деган саволга аксарият ёшлар бобо-буви жавобини белгиледи. Хулоса чиқарадиган бўлсак, кўпгина ота-она ва фарзандлар ўртасида маълум тўсиқлар бор экан. Бу масалалар «Оилада ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида ҳам кенг муҳокама этилди. "Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари", "Воёга етмаганлар жиноятчилиги ва уни келтириб чиқарувчи омиллар", "Оилада носоғлом муҳит асосати" сингари рисоалар нашр қилинди. Янгийўл туманидаги "Эски Қовуничи", "Нийёзбоши" ҚФЙга қарашли маҳаллаларда "Оила — маънавият қўрғони" мавзусида ўтказилган ўқув-семинарда ота-оналарга таниқли олим ва психологлар сабоқ беришди. Ёшларни алоҳида йиғиб, уларни қийнаётган муаммолар билан қизиқдик. Сўнгра ота-оналарига зарур тақдир ва тавсиялар берилди.

Ҳасан МҲМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

«КОНСТИТУЦИЯМИЗ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ»

Олматор тумани ХТМФМТЭ бўлими томонидан мамлакатимиз Конституциясининг 22 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар ташкил этилиб, Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти ва тарбиявий аҳамияти ёш авлодга тушунтириб боришмоқда.



Жумладан, тумандаги 119-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган давра суҳбатидида ҳуқуқшунос олимлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари ўқувчиларга Конституциямизнинг яратилиш тарихи, моҳияти ва ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида тушунча беришди.

Шунингдек, тадбирда юқори синф ўқувчиларининг «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловининг туман босқичида фаол иштирок этгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда баён, иншо ва тасвирий санъат йўналишлари бўйича ўқувчиларнинг ижодий ишлари ҳам баҳоланиб, ғолиблар фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Мухайям ЭРКАБОВЕВА,
Олматор туманидаги
119-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Матбуот анжуманида сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ишлари сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ равишда ўтказилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига биноан сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги ҳақидаги қонун нормасига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Рўйхатга олинган номзодларнинг 31,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Парламент қўйи палатаси депутатлигига номзодлар орасида таълим соҳаси вакиллари 26,5, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари 20,2, иқтисодчилар 20,8, ҳуқуқшунослар 14,2, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари 10,1 фоизни ташкил қилди. Номзодларнинг барчаси олий маълумот ва катта ҳаётий тажрибага, 21,7 фоизи эса фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга. Номзодларнинг 13,8 фоизи илгари ҳам депутатликка сайланган.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига биноан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қонунда белгиланган муддатда якунланди.

Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олин-

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЛДИ ТАШВИҚОТИ БОШЛАНМОҚДА

ган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг рўйхати номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, қайси партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида депутатликка номзодлар рўйхатга олинган, сайлов жараёнининг муҳим босқичи — сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга ошириладиган сайловолди ташвиқоти бошлангани таъкидланди.

Мамлакатимизда сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг барча шакл ва усулларини самарали қўллаш учун ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилган. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги Қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида"ги низомга биноан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратиш, сиёсий партияларнинг келгуси ўз фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан уларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишининг алифбо тартиби белгиланди.

Шунингдек, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилади. Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгаришларга кўра, сиёсий партиялар сайловчилар билан учрашувларни мустақил равишда ўтказиши мумкин.

Матбуот анжуманида барча депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди курашини адолатли ва очик-ошкора амалга ошириш учун тенг ва кенг имконият яратиш сиёсий плюрализм асосида соғлом рақобатни таъминлаш имконини бериши қайд этилди.

Тадбирда дунёда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган парламент сайловига қизиқиш ортиб бораётгани таъкидланди. Айни пайтда қатор халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг кўплаб вакиллари халқаро кузатувда иштирок этишини тасдиқлади. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси сайловни ёритиш учун уч юздан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Математикада ҳали ечилмаган жумбоқлар кўп. Турли масалалар бўйича қутилмаган хулосалар чиқариш, мисолларга турли ноанъанавий йўллар билан ечим топиш мумкин. Айниқса, бугунги ёш авлод билим олишга иштиёқи, интилувчанлиги билан менда катта ҳавас уйғотади. Уларнинг булук каби қайнаб келаётган истеъдодини юзга чиқариб, оламшумул ихтиролар яратишга йўналтириш учун нимумлар қилмоғимиз керак? Назаримда, бунинг учун ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтирувчи, уларни фавқуллодда теран фикрлашга ўндовчи усулларга таянишимиз лозим. Ҳар қандай сонни 5, 6, 7, 11 ва 12га кўпайтиришнинг қуйидаги оғзаки усуллари ҳудди шундай ноанъанавий методлардан саналади.

Исталган сонни 11га кўпайтириш

Қоида: ҳар бир рақамга унинг қўшнисини қўшинг (қўшниси деганда ўнг томондаги сон назарда тутилмоқда. Бу ўринда қоида ўзгармаслиги, ўқувчиларни жалғизмаслик учун кўпайтиришнинг олдида ва охирига натижага таъсир кўрсатмайдиган 0 сонини ҳаёлий равишда қўйиб ҳисоблаймиз. Масалан: 0 1234 0).

Мисол: 1234 · 11 = ?

Кўпайтиришнинг бирлик хона рақамидан бошлаб ҳисоб-

ОҒЗАКИ КЎПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

лаймиз: 4га қўшнисини, яъни, 0ни қўшамиз — 4+0=4. Навбатдаги рақам 3ни 4га қўшсак — 7, 2га 3ни қўшсак — 5 ҳосил бўлади. 1 ва 2нинг йиғиндиси — 3. Ниҳоят, кўпайтчи олдида ҳаёлан ёзилган 0га 1ни қўшамиз. Шундай қилиб, жавоб аниқланди: 13574. Натижа-ни текшириб кўришингиз мумкин.

Мисолни қоида бўйича ечаётганда барча ҳисоблашларни оғзаки бажариб, натижани бирийла ўнгдан чапга қаратиб ёзамиз.

Эслатма: агар иккита қўшни сон йиғиндиси ўндан катта, масалан, 12 бўлса, у ҳолда одатдагидай йўл тутамиз: 2(бирлик)ни ёзамиз, 1(ўнлик)ни дилда сақлаймиз.

Мустаҳкамлаш учун мисол: 34066 · 11 = ?

Ечиш:
6+0=6.
6+6=...2 (1 дилда).
0+6+1=7.
4+0=4.
3+4=7.
0+3=3.

Жавоб: 374726.

Исталган сонни 12га кўпайтириш

Қоида: рақамни иккилан-тиринг ва қўшнисини қўшинг.

Мисол: 123 · 12 = ?

Кўпайтиришнинг рақамлари, яъни 3, 2, 1ни галма-галдан ишлаб чиқамиз. 3ни иккилантирамиз ва қўшни сон

нади: жуфт сон тенг иккига бўлинади, тоқ сон бўлганда унинг ярми деб ҳосил бўлган соннинг бутун қисми олинади. Масалан, тўққиз-нинг «ярми»ни 4, еттининг «ярми»ни 3 деб ҳисоблаймиз.

5га кўпайтириш.

Қоида: қўшни рақамнинг ярмини олинг, агар ишланаётган рақам тоқ бўлса, 5ни ҳам қўшинг.

Мисол: 527 · 5 = ?

7дан кейин ҳаёлан қўйилган 0нинг ярми — 0 олинади ва 7 тоқ сон бўлгани учун унга 5 қўшилиди — 5. 2га қўшни 7нинг ярми, 3(қолдиқ ҳисобга олинмайди). 5га қўшни 2нинг ярмига 5ни қўшамиз — 6. 0га қўшни бўлган 5нинг ярми, яъни 2(қолдиқ ҳисобга олинмайди). Жавоб: 2635.

Мустаҳкамлаш учун мисол: 1348 · 5 = ?

Ечиш:

5 · 2+0=...0 (1 дилда)
8 · 2+5+1=...2 (2 дилда)
4 · 2+8+2=...8 (1 дилда)
0 · 2+4+1=5.
Жавоб: 5820.

Исталган сонни 5, 6 ва 7га кўпайтириш

Эслатма. Сонларни 5, 6, 7га кўпайтиришда бир хонали соннинг ярми аниқла-

Жавоб: 6740

6га кўпайтириш.

Қоида: қўшни рақамнинг ярмисини олинг, агар ишланаётган рақам тоқ бўлса, натижага 5ни ҳам қўшинг.

Мисол: 2328 · 6 = ?

8га қўшниси — 0нинг ярмини қўшамиз — 8. 2га 8нинг ярмини қўшамиз — 6. 3га 2нинг ярми ва 5ни ҳам қўшамиз — 9. 2га 3нинг «ярми»ни, яъни 1ни қўшиб, 3 ҳосил қиламиз. Нолга 2нинг ярмини қўшамиз — 1.

Жавоб: 13968.

7га кўпайтириш.

Қоида: рақамни иккилан-тиринг ва қўшнисини ярмини қўшинг. Агар ишланаётган рақам тоқ бўлса, натижага 5ни ҳам қўшинг.

Мисол: 356 · 7 = ?

Ечиш:

6 · 2+0=...2 (1 дилда)
5 · 2+3+5+1=...9 (1 дилда)
3 · 2+2+5+1=...4 (1 дилда)
0 · 2+1+1=2.
Жавоб: 2492.

Қўшимча машғулотларда ўқувчиларга бундай ноанъанавий ҳисоблаш усуллари-ни ўргатиш уларнинг фикрини кенгайтириб, ихтирочилик қобилиятини ривожлантиради. Улар бир масалага турлича ёндашиб, тўғри ечимни бир нечта усулда топиш мумкинлигини англайди.

Дилбар ЭРГАШЕВА,
Бахмал туманидаги
78-ИДУМ ўқитувчиси

Мамлакатимизда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари тест саволлари шаклида ташкил этилаётгани абитуриентларнинг барчасига тенг имкониятлар яратиш, билимларини ҳолис баҳолашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзтиборлиси, ўқувчи-ёшлар тест саволлари билан ишлашга мактабданоқ ўргатиб борилаётти. Кўпчилик ижодкор ҳамкасбларим дарсликдаги мавзулар юзасидан юзлаб тест саволлари ва топшириқларини тузиб, ўқувчилар билимини баҳолашда кенг фойдаланаяпти. Бу усул кам вақт сарфланиши ва ўқувчиларнинг билимини аниқлашда тезкорлиги билан қулайдир.

Бугун умумтаълим мактабларида тестларнинг икки тури — очик (савол ва жавоб вариантларидан иборат) ҳамда ёпиқ (фақат савол келтирилади, тўғри жавобни ўқувчининг ўзи ёзади) тестлардан фойдаланилмоқда. Ҳар чорак якунида ўқувчи-

ларнинг ўзлаштирган билимларини ҳолис текширишда қўл келади. Ўқувчи берилган тайёр жавоблардан бирини белгилайди, тўғри жавобни билмаган тақдирда ҳам унинг онг остида беихтиёр равишда «тестни ечдим», яъни, «масъулиятдан

ўрганган бўлиши лозим.

Очиқ тест (6-синф «Адабиёт» дарслигидан):

1. Ўзбек адаби Миркарим Осимнинг қайси асарларини маиший мавзудаги асарлар сирасига кири-тиш мумкин?

1) «Ўттор»; 2) «Моҳларойим ва Хонпошша»; 3) «Зулмат ичра нур»; 4) «Синган сетор»; 5) «Тумарис»; 6) «Жайхун устида булутлар»; 7) «Карвон кўнгироғи»; 8) «Ибн Сино қис-саси»; 9) «Элчилар»; 10) «Темур Ма-лик»; 11) «Алжабрнинг туғилиши».

A) 2, 3, 6, 7, 12; B) 3, 4, 5, 8, 11; D) 2, 7, 9; E) 1, 2, 4, 7, 9, 10.

Ёпиқ тест:

2. Ўзбек адаби Миркарим Осим-

Fikr, mulohaza, taklif



болаларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолишига ҳам амин бўлдим. Бу келгусида уларнинг таълим муассасаларига кириш имти-хонларини юқори савияда топи-ришига ҳам ёрдам беради.

Педагогнинг асосий мақсади ўқувчиларга чуқур билим бериш, келажакда қайси соҳани танлашдан қатъи назар, ўзига ишонадиган, ўз касбига ижодий ёндашадиган, илг-ор ғояларни ўзлаштириб, фаоли-тини мазмунан бойита оладиган баркамол авлодни вожага етказиш-дан иборат. Шундай экан, биз мак-табда фақат ўқувчиларнинг эгалла-ган билимларини аниқлаш эмас, балки мустаҳкамлаш учун ҳам очик ва ёпиқ тестлардан унумли фойда-ланишимиз лозим.

Гулзода СОАТОВА,
Чилонзор туманидаги
202-мактаб ўқитувчиси

ОЧИҚ ВА ЁПИҚ ТЕСТЛАР

таълим жараёнида қай бири афзал?

ларнинг ўзлаштиришини аниқлаш мақсадида ўқитувчиларга тавсия этилган методик қўлланмалардаги тестлардан 20таси очик, 5таси ёпиқ тестдан иборат.

Очиқ тест (9-синф «Она тили» дарслигидан):

1. Эргашган қўшма гапларни то-пинг.

A) Булбул гулзорни излайди, бой-ўғли эса доим харобани кўзлайди.

B) Қўрқоқ кета туриб мактанса, ботиб қайтиб келиб мактанса.

D) Баданининг қуввати — овқат, ақлнинг қалити — ҳикмат.

S) Ақл кўпга еткази, хунар бўлса инсонни кўкка кўтарди.

Ёпиқ тест:

2. Эргашган қўшма гапларга ми-соллар келтиринг.

Назаримда, очик тестлар ўқувчи-

халос бўлдим», деган тушунча пай-до бўлади. Натижада аксар ҳоллар-да мустақил фикр юритмайди, ўз устида ишламайди.

Ёпиқ тестлар эса қўшимча билимлар бериш, мавзунини мустаҳкам-лаш, фактларни эслаб қолишга ҳам хизмат қилади. Жавобни келтириш-да ўқувчи ўрганган мавзусини қайта эслайди, мустақил фикрлайди. Са-волни такрор-такрор ўқиб, ечимни топишга мантиқий, ижодий ёндаша-ди. Жавобларни ўзи ёзади. Айниқ-са, она тили ва адабиёт дарслари-да бу жуда муҳим. Натижада ўқув-чиларнинг ёзма нутқи ривожлана-ди, тасаввури кенгайди ва зеҳни ўткирлашади, нутқи раван бўлади.

Мисол учун, юқоридаги саволга ўқувчи, албатта, эргашган қўшма гаплардан мисол келтириши керак. Бунинг учун у мавзунини мукаммал

нинг маиший мавзудаги асарлари-ни ёзинг.

Бу ўринда ҳам биринчи савол-нинг жавобини белгилашда ўқувчи мулоҳаза қилиб, ўйлаб кўриши мум-кин, лекин ижодий ёндашмайди. Иккинчи саволга жавоб ёзишда эса Миркарим Осимнинг асарлари ҳақида фикр юритади. Хотирасида мавзуга доир билимлар тикланади ва нутқига кўчади. Борди-ю, тўғри жавобни билмаса, таваккал қилмай-ди, балки шу мавзунини излаб топиб, қайтадан ўрганади. Чунки умуман жавоб ёза олмагани унга таъсир қилади. Таърибамда бунинг кўп бор кузатдим. Айни пайтда мавзулар бўйича ўзим тузган ёпиқ тестлар-дан кенг фойдаланиб, бунинг са-марасини сезаяпман. Шу хилдаги тестларни ечгандан сўнг фактлар

2014-yil 19-noyabr, № 93 (8742)

Раҳбар корхонасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган тўрт-беш нафар ёш мутахассиснинг уч томонлама шартномасини қўлга олди. Уларга имзо қўйишдан олдин корхона томонидан бириктирилган ходимларни чақириб бир-бир суҳбатлашди. «Мана, бўлажак кичик мутахассислар билан уч ой бирга ишладингиз, қўлидан иш келишини мен ҳам кўрдим, лекин бошқа жиҳатлари-чи, ўз устиди ишлашдан эринмайди, киришимлими, ташкилотчилик қобилияти шаклланганми, бирор вазиятга тушганда ўзини қандай тутди, мустақил фикри борми?» каби саволлар билан усталарга мурожаат қилди. Жавоб қониқтирғач, икки шартномага имзо чекди, қолган ҳужжатларни эса яна бир бор ўйлаб кўриш учун четга олиб қўйди...

Иш берувчи янги ходимнинг ҳар жиҳатдан кўнгилдагидек бўлишини истаётгани бежиз эмас. Хоҳлаймизми йўқми, ишга ҳам, ишчига ҳам муносабат ўзгариб, талаблар қатъийлашиб бораёпти. Эндиликда аввалгидек «оддий ишчи» бўлишнинг ўзи камлик қилаётир. Чунки қўлидан яхши иш келсаю, ўрни келганда, ўзини намоён қилолмаса, изланмаса, ҳамкорликка кириша олмаса, жамоа билан ҳамфикр бўлолмаса, зарур ҳужжатларни мустақил тўлдиролмаса унинг фойдаси бир томону зиёни бир томон.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бўлажак кичик мутахассиснинг кундалик турмушда дуч келадиган масалаларни ҳал қилишда олган билим, малака ва кўникмаларидан фойдаланиш ва қўллай олиш қобилияти (компетенциялиги) ҳаётда ўз ўрнини топиши учун энг муҳим жиҳатга айланди. Таъкидлаш лозимки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзланган мақсад ҳам, белгилаб берилган вазифа ҳам аини шу: юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола бириш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришдир.

— Таълимда компетенциявий ёндашув дейилганда, ўқувчиларда билим, кўникама ва малака билан бирга, ҳаётий компетенцияларни шакллантириш, яъни уларни эгаллаган билимларидан кундалик ҳаётда дуч келадиган таниш ёки нотаниш вазиятларда фойдаланишга тайёрлашдир, — дейди Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати методисти Гулҳаё Усмонова. — Хабарингиз бор, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2013 йил 22 августдаги қўшма буйруғига мувофиқ 2013—2014 ўқув йилида умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳалари мутахассислар

томонидан такомиллаштирилди ҳамда Республика миқёсидаги 39та умумий ўрта таълим, 28та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тажриба-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тажриба-тадқиқотда киши ҳаётида эга бўлиши лозим бўлган коммуникатив, ахборот билан ишлаш, шахс

махсус, касб-ҳунар таълими марказининг «Умумтаълим фанлари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг узвийлаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида»ги қўшма буйруғи имзоланди. Буйруққа кўра жорий ўқув йили бошдан ўқувчиларда компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг лойиҳалари ҳар бир вилоятда юқори салоҳиятли педагоглар жамоасига эга бўлган, моддий базаси (бунда таълим муассасаларининг интернетга улангани, компьютер гуруҳи билан таъминлангани ҳамда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бир-бирига яқинлиги ҳисобга олинди)

кил этиш бўйича йўриқнома

ни пухта ўзлаштиришдан бошлади. Кўнглида туғилган саволларга Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати томонидан ташкил этилган семинарларда жавоб топди, компетентликка асосланган таълим борасида кенг билимга эга бўлди.

Ундан ташқари, математика фанининг ўқитилишига компетенциявий ёндашув бўйича миллий ва хорижий адабиётлар, журналлар ва интернетда берилган материалларни синчиклаб ўрганди. Тўғри-да, ушбу фаннинг ҳар бир мавзусини ўқувчиларга ҳаётий мисоллар билан тушунтириш катта меҳнат талаб қилади. Айниқса, «Бир ўзгарувчилик кўпхадлар», «Ҳосила ва

Milliy dastur — amalda

— Математика фани бўйича ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланиши ва ўқув дастурларидаги мавзуларни ўзлаштириш даражасини қиёсий таққослаш учун иккита гуруҳ танлаб олинди, — дейди Ибодулла Хайруллаев. — Бир тажриба-синов гуруҳи, иккинчиси назорат гуруҳи. Назорат гуруҳи учун амалдаги ДТС ва ўқув дастурлари асосида дарс ўтилиши кўзда тутилди. Аввало, ўқувчиларнинг бошланғич компетентлигини аниқлаб олди. Бунинг учун ҳар икки гуруҳда ҳам бошланғич назорат олинди. Шундан сўнг дарсларни бошлади. Назорат гуруҳида мавзулар математик терминлар, мисоллар ёрдамида тушунтирилса, тажриба-синов гуруҳида эса қоидалар билан бирга улардан ҳаётда фойдаланиш мумкин бўлган ўринлар ҳам келтириб ўтилмоқда. Масалан, «Тўплам, тўплам элементлари» мавзуси тушунтирилган, юлдузлар тўплами, дарахтдаги барглари тўплами ҳақида айтиб ўтилганда ўқувчиларнинг ўзлари бу рўйхатни давом эттиришди.

Муаллимнинг айтишича, тажриба-синов гуруҳидаги машғулотлар ўқувчиларнинг фанга қизиқишини янада оширмоқда, шунинг учун ҳам дарсдан дурсга фаол ўқувчилар сони ортиб бораёпти. Дидактик, ролли ўйинлар, ўйинга асосланган технологиялар, ижтимоий, иқтисодий, маҳаллий йўналишдаги ҳисоблашга доир муаммолари ва ноанъанавий масалалар уларни нафақат фанни пухта ўзлаштириш, шу билан бирга ижодий фикрлашга, ўз устиди ишлашга ундамоқда. Ўйга берилган вазифалар ҳам сюжетли, ижодий характерга эга. Бу, албатта, ўқувчиларни дарсликдан ташқари турли газета, журнал, кўшимча адабиётлар, интернет ресурсларидан фойдаланишга ундайди.

Шунингдек, экспериментатор ўқитувчи ҳар бир дарсдан сўнг ўқувчиларда компетентликлари шакллантириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини ёзиб бориш учун кундалик кузатув дафтари юритган. Жумладан, унга шакллантирилиши қийин кечган компетенцияларни, дарс давомида қўлланган педагогик технологияларни, унинг самардорлиги ҳамда такомиллаштириш бўйича ўз тақлифларини батафсил қайд этиб боради. Унинг хулосалари эса ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги тугагач, дастлаб фан методбирлашмаси ва кафедра йиғилиши, сўнг таълим муассасаси педагогик кенгашида муҳокама этилади, ҳудудий бошқарма тасарруфидagi маслаҳатчи-методистлар гуруҳига тақдим этилади.

Аббор УМАРКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚУВЧИНИНГ БИЛИМЛАР ЗАХИРАСИ

кундалик турмушда қўлланилишига эришиш зарур

сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ва фойдаланиш бўйича таянч ҳамда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиққан ҳолда, соҳага тегишли хусусий компетенцияларни шакллантириш кўзда тутилди.

Тадқиқот жараёнида ҳар бир умумтаълим фанининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб ёндашилди. Масалан, она тили фанидан ўқувчиларнинг лингвистик, нутқий, социолингвистик, прагматик компетенцияларини шакллантириш тадқиқ қилинган бўлса, физика фанида физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунириш, физик катталикларни ўлчаш ва аниқлаш, тажрибалар ўтказиш ва хулосалар чиқариш, физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш жиҳатлари эътиборга олинди. Мазкур тажриба-тадқиқотлар натижаси таҳлил қилиниб, лойиҳалар қайта кўриб чиқилди. Бунинг самараси ўлароқ, ўқувчиларнинг шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш, математик саводхонлик, фан-техника янгиликларидан хабардор бўлиш каби компетенцияларини шакллантириш ишлари такомиллаштирилди.

Шунингдек, 2014 йил 23 августда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта

талабга жавоб берадиган 5 тадан умумтаълим муассасаси (2 тасида тажриба-тадқиқот ишлари ўтган ўқув йилида олиб борилган, 3 таси янгидан танланди) ва 5 тадан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (56та касб-ҳунар коллежи, 14та академик лицей) танлаб олинди.

Ҳозир тажриба-синов ишлари йўлга қўйилиб, экспериментатор-ўқитувчиларга амалий-методик ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳалари, ҳар бир босқич учун белгиланган фанлардан тақвим-мавзу режа, ундаги мавзулар бўйича ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган компетенциялар, уларни амалга ошириш шакли, ўқувчиларнинг бошланғич компетентлиги ва педагогик таълим бўйича ҳар бир курс кесимида тест саволлари, назорат ишларини ўтказиш учун материаллар, мультимедиа маҳсулотлари тақдим этилди.

Олмazor политехника касб-ҳунар коллежиде ҳам бта умумтаълим фани — она тили, адабиёт, математика, амалий география, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, маънавият асослари фанларидан тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси Ибодулла Хайруллаев илк бор иштирок этаётган ёш, маалаки экспериментатор ўқитувчилардан. У ишни аввало Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури, тажриба-синов ишларини таш-

униги татбиқлари», «Логарифмик функциялар» каби мураккаб мавзулар орқали ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш, уни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини педагог сифатида чуқурроқ ҳис қилиши, бу борада мавзунинг осон ўзлаштирилишини таъминлайдиган илгор педагогик технологиялардан ўринли ва унумли фойдаланишни белгилаб олиши керак эди.

Шундан сўнг муаллим ўқув йили бошида тажриба-синов ўтказиш мўлжалланган гуруҳ раҳбари ва таълим муассасаси маъмурияти ёрдамида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан математика фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурлари асосида тажриба-синов ташкил этилиши ҳақида суҳбат олиб борди. Тажриба-синов ўтказишнинг мақсади, бунда ўқувчиларнинг барчаси фан бўйича билим, кўникама ва малакаларга эга бўлиши билан бирга, уларда зарурий компетенциялар шаклланиши ҳақида атрофлича тушунча берди. Айниқса, бу борада ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш зарурлиги, бу ҳамкорлик қутилган самарага эришишда асқотишини айтиб ўтди. Агар ўқувчи аудиторияда олган билиминини яхши ўзлаштириб, дарсда фаол иштирок этсаю, лекин уйга берилган вазифаларни бажармаса, қутилган натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун бу борада уч томонлама ишлаш даркор.

НИГОҲЛАРДА МАМНУНЛИК

Учкўрғон туманидаги 46-мактаб-интернатда эшитиш ва нутқ имконияти чекланган 286 бола таълим-тарбия олмакда. Уларнинг орасида нафақат билимдонлар, балки касб-хунарли ўқувчиларни ҳам учратиш мумкин.

— Мактаб-интернатимизга ишониб топширилаётган ўғил-қизларнинг бошқа тенгдошларидан кам бўлмаслиги учун бор имкониятни ишга соляемиз, — дейди директор Икромжон Сўпижонов. — Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши билан бирга касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар етарли. Ўғил ва қиз болалар учун алоҳида меҳнат таълими хоналари мавжуд. Спорт зали, футбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари, гимнастика зали доим гавжум. Улар спорт билан шуғулланиш саломатлиққа қони фойда эканини яхши билишади.

Мактаб-интернатда яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишар эканмиз, техник восита ва кўргазмали қуроллар билан тўлиқ таъминланган ўқув хоналарини кўриб, тўғриси, бу ерда таълим олаётган болаларга ҳавасимиз келди.

Ана, кимё хонасида ўқитувчи болалар билан лаборатория машғулот ўтказмакда. Бу хонада эса тарих дарси бўлапти. Эшитиш ва нутқи заиф болаларнинг

кўрганда кўпроқ маълумотга эга бўлишини тўғри аниқланган фан ўқитувчиси доска ва деворга мавзуга доир плакатлар, расм ҳамда кўргазмаларни тартиб билан жойлаштирган. Уларга қараб, ҳеч қийналмасдан қайси мавзу ҳақида гап бораётганини аниқлаш мумкин.

Адашмасак, ана бу ер дефектолог кабинети. Хона ўқувчи билан яқинда тартибда шуғулланиш учун махсус жиҳозланган. Бундан ташқари, стоматология, физиотерапия муолажалари ўтказиладиган тиббиёт хоналарининг мавжудлиги муассасада болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилаётганидан дарак беради.

Устоз-шогирдларнинг кўз қарашларию имо-ишора ёрдамида бемалол тиллашаётганини кўриб беихтиёр бу масканни «меҳр ва муҳаббат ошени» дегини келади. Мактаб-интернатда йигирма йилдан буён ишлаётган дефектолог Икромжон Мирсолиевнинг сўзларига қулоқ тутиб кўринг-а:

— Оддий мактаб ўқувчиси 1-синфда харф ўргатиш қанчалик машаққатли

экан барчага маълум. Мактаб-интернатимизга янги келган ўқувчи билан гаплашиш учун эса аввал муомала воситаси — сурдога ўргатиш, сўнгра харф танитиш зарур. Касбимни қийин дейман-у, бу нолишдан эмас, аксинча, фахрланганимдан. Кўз олдингизга сўзлаш имкониятидан махрум болани

дан ортиқ бaxт бормикан бу дунёда?

Мактабда ташкил қилинган фан, касб-хунар ва спорт тўғрисидаги 200 дан ошiq ўқувчи аъзо. Қизлар асосан тикувчилик, зардўзлик ва тўқувчиликка қизиқаётган бўлса, ўғил болалар дурадгорлик, мусаввирлик, наққошлик тўғрисида турли

Мактаб-интернатда яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишар эканмиз, техник восита ва кўргазмали қуроллар билан тўлиқ таъминланган ўқув хоналарини кўриб, тўғриси, бу ерда таълим олаётган болаларга ҳавасимиз келди.

келтириб кўринг. У то бу ерга келгунча тенгдошлари билан яйраб ўйнамаган, китоб ўқимаган, шеър айтаётгани билмаган, кўнглидаги ўй-хаёлларини яқинлари билан бўлишолмаган. Махсус таълим сабоғини ола бошлагач эса, сизу биз каби теварак-атрофни, табиат сирларини аниқлаш бошлайди. Дўст орттиради, қувонч ва ташвишларини ўзгалар билан баҳам кўради. Ана шу қорақўларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишини кўриш-

рўзғор буюмларини ясаш билан банд. «Кичик усталарга ҳалақит бермаслик учун ишини четдан қузатамиз. Дурадгорлик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган хонада иши қизгин. Ўқувчилардан бири ўзи чизган суратга иштиёқ билан жило бермоқда, ёнидаги ўртоғи ёғоч қутичани ўймакорлик санъати ёрдамида безашга чоғланган. Ана, четроқдаги столда ниманидир зўр бериб ясаётган болаки нихоят ишини тугатиб, қўлидаги тахта-ўхловни уялигина устозига кўрсатиб. Бола гарчи ҳеч нима де-

Maxsus ta'lim

МЕҲР ВА САБР

Даун синдромига учраган болалар билан ишлашда муҳим

тақил ҳаётга тайёрошлигининг барча имкониятларидан фойдаланилмоқда. Паст тонус туфайли тарбияланувчиларимиз тез чарчаб қолади, нигоҳини яхши фиксация қилаолмайди, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл муҳиятини тўғри аниқлашдан махрум. Улар билан кўпроқ мулоқотда бўлишимиз, сўз, имо-ишора ва хатти-ҳаракатларимиз орқали борлиқ-олам ҳақидаги тасаввурини кенгайтиришимиз керак. 2014-2015 ўқув йилига мўлжалланган ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш машқларида бола онгини оддий ва элементар усулларда уйғотиш, қўл моторикасини ривожлантириш, кўргазмали воситалар орқали фикрлашга ўргатиш бўйича ўқув дастур ва режалари тасдиқланган. Ўқув фанлари қаторида болалар кўпроқ қўл меҳнатига жалб қилинмоқда. Улар ўсмирликка етганда ўзини ўзи муштақил бошқара олиши керак, — дейди муассаса раҳбари Маъруфжон Саидмуродов.

Мутахассислар ақлий жиҳатдан заиф туғилган бола организмни худди мудраётгандай ва ривожланишга унчалик интиллаётгандай туюлишини таъкидлайди. Аслида, бола ўсишни жуда-жуда хоҳлайди ва ташқаридан бериладиган қўмакка муҳтож. Унинг ривожланишга бўлган қизиқишини бирданига қондириш мушкул, синдром организмда ўз кучини сақлаб туради. Аммо бола билан мунтазам ва мақсадли равишда шуғулланилса, табиат томонидан берилган салоҳиятини тезроқ рўёбга чиқара бошлайди.

— Даун касаллигига йўлиққан бола нафақат руҳий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам заиф ва турли ин-

фекцион касалликларга чалинувчандир, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Феруза Зарипова. — Уларни даволашнинг специфик усуллари йўқ, аммо мияни қувватлантирувчи ва ривожланишга қисман ёрдам берувчи препаратлардан ташқари коррекцион машғулот билан имкон қадар соғломлаштирилади. Гурӯҳимда 12 нафар бола таълимий, ритмик, жисмоний машғулотга жалб этилмоқда. Агар улар 1-синфда кўп нарсани англамаган бўлса, 3-синфга келиб бўғинлаб ўқишни, рангларнинг бир-биридан фарқини, сонлар иштирокидаги математик амалларни ўрганиб олишади. Улар билан ҳафталик ўқув машғулотларини олтига предмет бўйича ташкил қиламиз. Математика, она тили дарслари ҳафтасига 5 соат, ўқиб дарси 4 соат, қолган ўқув предметлари эса 1 соатдан белгиланган. Мусиқа, тасвирий санъат, логопедия, даволаш гимнастикаси, ижтимоий-маиший ҳаётга тайёролаш йўналишларида эса бошқа ўқитувчи ва мураббийлар шуғулланишади. Машғулот турлари орасида даволаш гимнастикаси муҳим аҳамиятга эга. Уқалаш, нафас олиш ва чиқаришга мўлжалланган артикуляцион машқ, сафда туриш, эркин ҳаракатдаги ўйин боланинг ривожланмай қолган, қотиб турган мускуллари ва аъзоларини «уйғотади». Ижтимоий-маиший ҳаётга тайёролаш йўналиши бўйича оёқ кийимини ўзи кийиш, тугмасини қадаш, оқватланиш, енгил тамадди учун нимадир тайёролашга ўргатилади. Бу тилдаги бола билан ишлаш дефектолог ва логопеддан катта меҳнат, сабр-тоқат талаб қилади,

ҳар бир синфда бор-йўғи 1-2, кўпи билан 3-4 бола таълим-тарбия жараёнига қамраб олинишининг боиси шунда.

63-ёрдамчи мактаб-интернатда тарбияланувчилар душанба куни қабул қилиниб, дам олиш кунлари уйига жўнатилади. Ўғил-қиз 6ки невараси бу ерда тарбияланаётган ота-оналар мазкур муассасадаги таълим-тарбия жараёни хусусида илиқ фикр билдиришади.

— Неварам Маъруфжон Ҳамидовни уй шароитида ўстириш ва ривожлантиришга анча қийналдик. Биз уни ташунамимиз, унга эса оила аъзоларимизнинг хатти-ҳаракатлари бошқача туюлади. Ақли заиф боланинг ўзига хос дунёси бўлар экан. Ўқитувчиларнинг тавсияси билан уни 63-мактаб-интернатга жойлаштирдик. Неварам ҳозир 3-синфда ўқийпти. Руҳий-ақлий дунёсида ижобий томонга бўлаётган ўзгаришдан хурсандимиз, — дейди Зархон Намозова.

Мутахассислар ўзини анча тутиб олган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш мумкинлигини таъкидлайди. Мазкур мактаб-интернатнинг 50 нафар ўқувчиси тумани турли ҳудудларида жойлашган 42-, 52-, 28- ва 10-умумтаълим мактабиди таълим олмакда. Боланинг соғлом тенгқурлари орасида ўзини тутиши, билим эгаллаши, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилишини умумтаълим мактаби педагоглари кузатиб боришади, соғлиги ва руҳий-жисмоний жиҳатдан ривожланишини 63-мактаб-интернат дефектологлари мониторинг қилиб туришади. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар йиллар ўтиб ўз самарасини бериши шубҳасиз. Таълим даргоҳининг ҳар бир педагоги тарбияланувчига меҳр ва сабр билан ғамхўрлик кўрсатиш ўзининг инсоний ва касбий бурчи эканини чуқур англайди.

Ҳулқар ТҶИМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

2014-yil 19-noyabr, № 93 (8742)

2014-yil — Sog'lom bola yili

Дониёр йиқилиб тушди. Жароҳати жиддий. Оёғини босмоқ туғул, судрашга ҳам мажболи йўқ. Оғрикнинг зўридан оҳ тортиб ўзини койиди: «Кўзингга қараб юрсанг, бўлмасмиди...» Мана, эҳтиётсизлиги сабабли шифокор хузурида ўтирибди. Уни қабул қилган травматолог тиббиёт фанлари доктори, профессор Муродулла Каримов экан. У 2005 йилдан буюн Тошкент тиббиёт академиясининг «Травматология-ортопедия, ҳарбий дала жарроҳлиги ва нейрохирургия» кафедраси мудири. Россия, Қозоғистон, Франция, Польша, Жанубий Кореядаги халқаро анжуманларда илмий маърузалар ўқиган. Сабаблару чоралар, даволарни энди тажрибали мутахассисдан эшитамиз.

Эҳтиёт бўлинг, шошилманг!

Травма — шикаст дегани. Травматология эса шикастланиш ҳақидаги фан. Инсоният тарихидаги энг қадимий фанлардан. Травматологияда организмдаги, хусусан, бош ва орқа мия, кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи аъзолари, синган суяк, бўғиндан суяк чиқишлари, оёқ-қўлдаги шикастланган мушак, пай, нерв томирлари шикастлари жарроҳлик усуллари билан даволанади. Травманинг қишлоқ ҳўжалиги ишларида, йўл ҳаракати оқибатида, спорт машғулотлари жараёнида, ёш болаларнинг ноҳўя ҳаракат-

ликларини ташхислаш ҳамда даволаш билан шуғулланади. Ортопедия сўнгги 250 йилда фан сифатида шаклланиб, XX асрнинг охирига келиб тез суръатда ривожланди. Соҳада катта муваффақиятлар ва самарали натижаларга эришилди. Илгари скелет ва суяк тўқимаси фақат механик ва таянч саналган бўлса, энди эса улар инсон аъзоси сифатида бир қанча муҳим функцияларни бажаришни яхши биламиз. Биринчидан, суяк организмда модда алмашинуви (метаболизм)нинг фаол иштирокчидир. Сабаби, суяк тўқимаси таркибида организмнинг ички турғунлигини таъминлаб туришда муҳим саналган

та, албатта, мунтазам профилактика билан шуғулланиш ҳисобланади. Чунки касалликнинг олдини олиш даволашга қараганда анча осон ва арзон. Шу сабабдан ота-оналар фарзандлари саломатлигига бефарқ бўлмай, ўсаётган организмни доимий назорат қилиб туришлари керак. Ота-оналар чекига нафақат тана саломатлиги, балки фарзанднинг маънавий камолоти масаласи ҳам тушган. Зеро, тарбия саломатлигини кафолатлайди. Соғлом танда эса соғ ақл. Миллатнинг генофонди учун жисмонан ва ақлан соғлом авлод керак. Бу юртимизда юритилаётган сиёсатнинг негизини ташкил этади.

Ишонинг, сиз оёққа турасиз!

Одамзотнинг ўзи ҳам, тана тузилиши ҳам жуда қизиқ-да! Сўзингиз, ишингиз қачондир ўзингизга қарши ишлаганидек, организм ҳам эгасига қарши исён кўтаради. Масалан, бўғим касалликларининг жуда кўп турлари шундай. Бутун илмий фаолиятимни инсон ҳаёти учун

бемор оёққа турди. Шундай лаҳзаларда бир инсоннинг ҳамма қатори тўлақонли ҳаётга қайтганини кўриб, чеккан мashaqqatlarim завқини ҳис этаман. Шифокорнинг бахти шунда бўлса керак!

Бу мисолни келтиришимдан мақсад даво топишда беморларнинг ўзига бўлган ишончи муҳимлигини таъкидлашдир. Тузалишни истаган одам бунга ишониши керак. Ишонч эса мўъжиза яратади!

Ташхис ва татбиқ

Шарқ табobati қадимдан машхур. Бирок бугун содда юртдошларимиз сохта табибларнинг кўрсатмаларига ишониб, енгил бошланган касаллиқни оғирлаштириб, кейин шифокорга мурожаат қилмоқда. Республикаимизда замонавий тиббиёт ниятда ривожланган. Синганини, чиққанини уй шароитида даволашни фақат шифокор бўлганим учун рад қилаётганим йўқ. Травматология ва ортопедияда, аввало, ташхис аниқ бўлиши керак. Қўл ёки оёқнинг синганини билсангизда, албатта, рентген қилиб, бирламчи ташхисни тасдиқлаш шарт. Шифокор муваффақиятли натижага эришиш учун касаллиқни ҳар томонлама аниқ ўрганиши лозим. Масалан, кўп ҳолларда товон суяги синган одамнинг бели ҳам шикастланган бўлади. Фақат товонни рентген қилиб, белни эътибордан четда қолдириш эса оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Тажрибали шифокор, аввало, беморнинг касалини аниқлаб олади. Қаерда қайси текширув асбобларини ишлатишни билиш муҳим. Ташхиссиз даволашда касалликнинг тузалиш эҳтимолини аниқлаш ҳам мушкул. Фақат касаллик белгилари (симптомлари)ни камайитишга қаратилган муолажада беморнинг тўлақонли соғайиб кетишига эришиб бўлмайди. Чунки бунда хасталикнинг келиб чиқишини аниқлаш ва унга таъсир этиш имконияти йўқ. Аксинча, фақат оғрикни тўхтатишга қаратилган вақтинчалик даволаш усулигина, холос.

Саломатлик — бахтлилик белгиси

Ёки аксинча... Бахтлилик — саломатликнинг белгиси. Бахтли бўлиш учун нима қилиш керак? Инсон бахтли бўлиши учун ота-онани танлаш билиши керак, деган ибора бор. Ота-онани танлаш имконияти йўқ-ку, дерсиз. Бирок мантиқан фикрласак, миллат генофондини асраш учун ҳар бир инсон ўзига ақлан ва жисман муносиб умр йўлдош танлаш керак. Болаларнинг бахтли бўлиши ота-оналарнинг ким эканига боғлиқ. Суяги бақувват ота-онанинг фарзандлари ҳам шундай бўлади. Авлодларга касалликларни меърос қолдирамаслик керак! Оилада рисоладагидек тарбия кўрган боланинг онгида маънавий бўшлиққа жой йўқ. Ёт гоғларга қарши кучли иммунитет шаклланиб бўлади. Бундай фарзанд зарарли одатларга берилмайди. Илзунувчан, ҳаракатчан, меҳнатсеварлиги боис суякларни мўртлашмайди. Соғлом турмуш тарзи қоидаларига қатъий риоя этади. Ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиб, атроф-муҳитни асрайди. Хуллас калом, танаси дард кўрмайди. Тўрт мучаси соғ, кўнгли хотиржам инсон эса бахтлиларнинг бахтлисидир!

Шоира ШАҒИАХМЕДОВА
ёзиб олди

Тўғри юринг, ҳаётда қоқилмайсиз!

лари натижасида юз берадиган бир неча турлари мавжуд. Аксар ҳолларда инсоннинг жароҳатланишига бахтсиз ҳодисалар сабаб бўлади. Бирок, менинг назаримда, ҳар қандай эҳтиётсизлик оқибатида қўрилган талофатнинг асл сабабчиси инсоннинг ўзи, унинг феъл-атворидаги бефарқлик ошиб, зийраклик сусайиб кетишидир. Бинобарин, қундалик фаолиятимда айнан эътиборсизлик оқибатида жароҳатланганларга бот-бот дуч келганман.

Инсон ҳаётига ҳавф солувчи энг оғир шикастлардан бири — автомобиль ҳалокати туфайли орттирилган травмалар ҳисобланади. Бу каби жароҳатларга ҳайдовчиларнинг шошма-шошарлиги ва кўпинча автоуловни спиртли ичимликлар таъсирида бошқариш сабабдир. Жароҳатланган кишининг маст ҳолатда бўлиши эса тез тиббий ёрдам кўрсатишни анча қийинлаштириб, бемор ҳаётига ҳавф солади. Энг аячқилиш шундаки, эҳтиётсизлик, шошма-шошарлик, масъулиятсизлик нафақат жисмоний шикастларга, балки кўнгли синишларига ҳам олиб келади. Синган кўнглини эса энг зўр шифокор ҳам чегалай олмайд. Демак, травмаларнинг асосий сабабчиси ўзимиз. Бирор жойим лат емасин, тўрт мучам соғ бўлсин десангиз, аввало, ўзингизни ва атрофингиздагиларни тарбияланг. Травма олишни истамайсизми унда эҳтиёт бўлинг, шошилманг!

«Тўғри ўсаётган бола»

Мутахассислигим бўйича травматолог-ортопедман. Ортопедия «тўғри ўсаётган бола» маъносини англатади. Бу истилоҳни Париж университетининг профессори Николас Андри 1741 йили фанга киритган. Ортопедиянинг рамзий нишонидан нотекис ўсаётган дарахтга боғланган тўғри таёқ тимсоли тасвирланган.

Мазкур фан суяк ва бўғин касал-

моддалар (макро ва микроэлементлар) мавжуд. Иккинчидан, скелет туфайлигина инсон организмиде маълум бир шаклда ривожланиб, тана аъзолари муайян таянчга эга бўлади. Натижада жисмоний ҳаракатнинг мутаносиблиги яратилади. Учинчидан, қаттиқлик ва тана ҳаракатининг мувофиқлиги, кўкрак қафасида нафас олиш имкониятини яратди. Тўртинчидан, суякнинг бўғимлар ва мушаклар ёрдамида ишлаши инсоннинг ҳаракат қилиши ва меҳнатга яроқли бўлишини таъминлайди. Бешинчидан, кўкрак ва тос-чаноқ суяклар кўп қабатли органларнинг бирикми туришига хизмат қилади. Қаттиқлиги, механик бақувватлиги билан скелет, бош мия, орқа мия, юрак ва бошқа ички аъзоларни ҳимоя қилиб туради. Олтинчидан, янги мингйилликнинг энг сўнгги оламшумул кашфиёти — ҳар бир одам ҳақидаги комплекс генетик ахборот манбаи ҳисобланган, кўп қабатли касалликларни даволашда муваффақият билан қўлланилаётган ўзақли ҳужайралар ҳам айнан суякдан ажратиб олинган. Яъни, суяк ўзида умрбоқий ҳужайраларни сақлайди. Улар эса келажақда инсонни барча касалликлардан фориг этишга хизмат қилади.

Сўнгги йиллардаги эмбриология, биокимё, генетика, молекуляр биология ва бошқа фан соҳаларида олиб борилган изланишлар натижасида, классик равишда учровчи туғма ногиронлик (сколиоз, туғма бўйин қийшиқлиги, сон-чаноқ бўғим дисплазияси ва ҳоказо)лар генетик ўзгаришлар орқали келиб чиқиши исботлаб берилди.

Ортопедия фанининг вазифаларидан бири нотўғри шаклланган суяк ва бўғинларни тузатишдир: яъни, ёш навиноҳли қадди-бастик бақувват дарахтга айлантириш. Назарий олиб қаралса, аслида, ҳар бир ота-она бу ишга масъул, яъни — ортопеддир. Энг самарали воси-

оғир муаммоларни келтириб чиқарадиган бўғим касалликлари оқибатларини ўрганиш, бундай хасталикларни жарроҳлик усулида даволаш йўллари излашга бағишладим. Жумладан, ревматоид артрит ривожлангани сари оёқ-қўл бўғинлари ҳаракатини чеклаб қўяди. Охир-оқибат бемор тўшаққа михланади. Ҳамма қатори тўлақонли ҳаёт кечиритишдан мосуво бўлади, оила аъзолари парваришига эҳтиёж сезади. Касалликнинг бундай оғир тури, асосан, тизза ва сон чаноқ бўғимлари зарарланишида учрайди. Беморлар ногиронликнинг биринчи ёки иккинчи гуруҳига ўтказилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қоладилар. Албатта, давлатимиз жисмоний имконияти чекланган юртдошларимизни ўз ҳимоясига олади. Аммо ҳеч нарса оёқда юриш бахти, ҳаётдан тўлақонли баҳра олиб яшашнинг ўрнини босолмайди. Бундай ҳолатларда беморга фақат жарроҳлик усули ёрдам беради. Қўпчиликни қийнаётган бундай эски муаммага янгича ёндашув ва илмий ечим зарур эди.

Операция жараёнида қандай инновация усуллари қўлласам, беморни тезроқ оёққа тургазиш, мустақил ҳаракатланишига туртки бўлишни мумкинлиги ҳақида кўп бош қотирдим. Илмий таҳминларимнинг назарий асосини яратиш мақсадида ўз фарзларимни амалиётда тажрибадан ўтказдим. Узоқ йиллик изланишлар самара берди. Беш, ўн йил юрмаган кўп қабатли беморлар оёққа турди. Охириги энг оқори кўрсаткич ўн тўрт йилдан буюн оёқлари ишлагаётган беморнинг операцияси бўлди. Бемор киз тизза бўғинлари букланиб, мутлақо юра олмай қолгач, турмуш қурмаган. Ёлғизлик, устига-устак, бир суянгча ҳам маънан, ҳам жисмонан муҳтожлик, кимнингдир ёрдамисиз бирор юмушни бажара олмаслик унинг руҳиятини батамом синдириган. Босқичли операциялардан сўнг ўн тўрт йилдан бери тўшақда ётган

«Ma'rifat» ҳамда «*Учитель*» УЗБЕКИСТАНА

газеталарига обуна бўлсангиз:

Таълим-тарбия соҳасига оид Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари билан тезкор равишда танишиб борасиз.

Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилаётган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўз вақтида эга бўласиз.

Барча ўқув фанлари бўйича бериладиган илғор методик тавсиялар, янги услублар ҳамда намунавий дарс ишланмаларидан машғулотларингиз самарасини оширишда фойдаланасиз.

Республикада фаолият кўрсатаётган ҳамда хорижлик ҳамкасбларингизнинг таълим-тарбия соҳасида кўлга киритаётган улкан ютуқлари ва бой тажрибаларидан баҳраманд бўласиз.

Мамлакатимиз ҳамда чет эллик мутахассис-олимлар, зиёлиларнинг ёш авлод маънавиятини юксалтириш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан ҳимоялашга қаратилган фикр-мулоҳазалари, амалий таклифлари маънавий-маърифий фаолиятингиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Барча соҳалар бўйича мамлакатимиз ҳамда дунё илм-фани янгиликларидан ўз вақтида хабар топасиз ва қизиқувчан ўқувчингизнинг ҳар қандай мураккаб саволларига тезкор жавоб бериш имкониятига эга бўласиз.

Республикада таълим тизими ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалар ҳамда жойларда эришилаётган ютуқлардан доимий равишда хабардор бўлиб борасиз.

Мамлакатимиз ва хориж майдонларида ўтказиладиган қизгин спорт мусобақалари натижаларидан тезкор хабар топасиз, ўз ўқувчиларингизнинг спорт, мусиқа ва санъат бўйича нуфузли халқаро тадбирлардаги муваффақиятлари ҳақида ўқиб, фахр ва ғурур ҳиссини туясиз.

Қаламини қўлдан қўймай келаётган таниқли шоир, ёзувчиларнинг ва эндигина ижод оламига кириб келаётган умидли ёшларнинг янги асарларини биринчи бўлиб ўқиш бахтига муяссар бўласиз.

«Ma'rifat» ва «Учитель Узбекистана» газеталари — Сизнинг минбарингиз!



Тахририят томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган «Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловида тегишли номинациялар бўйича ижодий ишларингиз билан иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларингиз, тажрибаларингиз ҳамда амалий таклифларингизни ҳамкасбларингиз билан ўртоқлашишингиз, шу баробарида белгиланган мукофотга сазовор бўлишингиз мумкин!



«Ma'rifat» газетаси бўйича:

«Энг яхши мақола» — энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;
«Оригинал бир соатлик дарс» — энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;
«Сермазмун саҳифа» — энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;
«Энг яхши очерк ёки эссе» — энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;
«Педагог-муаллифнинг долзарб материали» — энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;
«Қизиқарли интервью, суҳбат» — энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;
«Жозибали сурат» — энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;
«Самарали методик материал» — энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;

«Тарбияга оид амалий таклиф» — энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;
«Ўқишли бадий асар» — энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;
«Воқеаликка муносиб шарҳ» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;
«Ўзига хос янгилик» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;
«Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;
«Энг сара таржима материали» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;
«Мазмунли таълимий бошқотирма» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;
«Ҳозиржавоб муштарий» ("Акс-садо") — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;
«Энг яхши репортаж» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида.

«Учитель Узбекистана» газетаси бўйича:

«Лучшая разработка урока» — в размере трех минимальных зарплат;
«Лучшая статья» — в размере трех минимальных зарплат;
«Инновационный педагогический опыт, методика» — в размере двух минимальных зарплат;
«Актуальное интервью, беседа» — в размере двух минимальных зарплат;
«Хорошая новость» — в размере одной минимальной зарплат;
«Оригинальный фотоснимок, художественная работа» — в размере одной минимальной зарплат;
«Лучший материал студента-журналиста» — в размере одной минимальной зарплат.

Ma'rifat

Нашр кўрсаткичи:
имтиёзли обуна (жорий йилнинг 30 ноябригача) учун — 149;
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 150.

Учитель

Нашр кўрсаткичи:
имтиёзли обуна (жорий йилнинг 30 ноябригача) учун — 216;
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 217.

Обунани «Матбуот тарқатувчи» ҳамда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияларининг жойлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

Ҳурматли табиий фанлардан дарс бераётган фидойи муаллимлар,
Журналларингиз саҳифаларига бериладиган олам сир-синоатлари тўғрисидаги қизиқарли материаллар, методик мақолалар фаолиятингизда кўмакчи бўлишини истасангиз
«Maktabda Kimyo»,
«Maktabda Biologiya»,
«Maktabda Geografiya»
журналларига обуна бўлинг!



Обуна индекси-1196

Обуна индекси-1197

Обуна индекси-1198

2014-yil 19-noyabr, № 93 (8742)

«OFFICE»ДА ХУЖЖАТЛАРНИ
ТАХРИР ҚИЛИШ БЕПУЛ

«Microsoft» kompaniyasi «iPhone», «iPad» va «Android» planshetiga urnatish uchun «Office» paket ilovasida хужжатларни бепул яратиш, тахрир қилишга рухсат берди. «iPad» plansheti uchun мўлжалланган «Word», «Excel» va «PowerPoint» дастурининг офис иловалари пакети шу йилнинг март ойида тақдим этилганди. Эндиликда «iPhone» ҳамда «Android» фойдаланувчилари ҳам бу қулайликларга эга бўлишди.

Шу пайтгача

«iPad» соҳиблари учун мазкур иловани кўчириб олиш ва унда офис хужжатини кўриш имконияти туғилган бўлса-да, аммо хужжат яратиш ёки тахрир қилиш учун компаниянинг интернетдаги сайти орқали обуна бўлиш ҳамда рўйхатдан ўтиш талаб этилаётганди. Эндиликда «iPhone», «iPad» ва «Android» plansheti фойдаланувчилари бундай овозагарчиликдан халос бўлдилар. Яъни, матн

юзаси ўлчамини ўзгартириш, тахрир қилиш, шрифтни тузатиш ва жадвал учун катаклар чизиш имконига эга бўлдилар.

Шунга қарамай, айрим талаблар аввалгидай қолдирилди. Жумладан, фойдаланувчилар «PowerPoint» ёрдамида слайдга оид эслатмани бошқа компьютерда ҳам кўриш учун зарур бўлган «Presenter View» дастуридан фойдаланса, компанияга қўшимча тўлов амалга оширилади. «iPad» ва «iPhone» учун ишлаб чиқилган янги иловадан дунёнинг исталган мамлакатда 29 тилда фойдаланиш мумкин.

«ЭБОЛА»ГА ҚАРШИ ВАКЦИНА ОДАМДА
СИНАБ КЎРИЛДИ

Канадалик ва америкалик шифокорлар «Эбола» вирусига қарши янги вакцинани инсонларда синаб кўришди. Бир неча йиллар давомида Канаданинг Виннипег шаҳри лабораториясида яратилган мазкур вакцина «VSV-EBOV» деб номланди. Эслатиб ўтамиз, вакцина ҳайвонларда синовдан ўтказилганда ижобий натижа қайд этилганди.

Вакцинага саратон касаллиги турларига қарши биофармакологик доридармонларни ишлаб чиқарувчи «NewLink Genetics» корпорацияси лицензия берди. Мазкур бирлашма беморларнинг иммунитет тизимини кучайтиришга хизмат қиладиган вакциналар яратиш ва фойдаланиш учун рухсатнома беради.


Махсулотни клиник тадқиқотдан ўтказиш учун Галифакс (Янги Шотландия) провинциясидаги шифохоналардан бирига кўнгилчилар жалб этилди. Вакцина бир вақтнинг ўзида АҚШнинг Соғлиқни сақлаш миллий институти ва Мэриленд штатидаги мамлакат армиясига қарашли Уолтер Рид номидаги тадқиқот институтида ҳам синовдан ўтказилди. Мутахассислар натижаларнинг 2015 йили маълум қилинишини таъкидлашмоқда.

Канадада «Эбола» билан оғриган беморлар қайд этилмаган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабар беришича, шу кунгача дунёнинг саккиз давлатида 14413 нафар инсон мазкур хасталик туфайли рўйхатга олинган бўлиб, улардан 5177 киши ҳаётдан кўз юмган.

ЭГИЛУВЧАН ДИСПЛЕЙЛАРНИНГ
ЯНГИ АВЛОДИ

Йокозама шаҳрида (Япония) бўлиб ўтган кўргазмада эгилувчан дисплейларнинг янги авлоди намойиш этилди. Тақдимотни мазкур технологияларни ишлаб чиқаришни режалаштираётган «Semiconductor Energy Laboratory» компанияси ташкил этди.

Бир қанча ишлаб чиқарувчилар бундай дисплейларни яратиш борасида бир йилдан бери ўзаро мусобақалашаётган бўлса-да, унинг вазни бўйича ҳали бу қадар муваффақиятли қадам ташланмаган эди.



Манбаларда қайд этилишича, дисплей «Super AMOLED» технологияси асосида ишланган бўлиб, диагонали 8,7 дюйм, ҳажми эса 1920x1080 пикселни ташкил этади. Асосийси, уни уч мартаба эгиш мумкин ва бу ҳолатда қурилмага зарар етмайди. Ишлаб чиқарувчилар дисплейнинг 5,9 дюймли турини намойиш этишди. Диагонал кичрайиши ҳисобига дисплейнинг кўриш ҳажми 1280x720 пикселгача камайиши мумкин.

Мазкур дисплей эгилувчанлиги ички қисмига ўрнатилган ярим ўтказгичлар ҳисобига юзага келади. Ажабланарлиси, бундай дисплейларни радиуси 2—4 миллиметр гача кичрайгунча, 100 минг мартаба буклаш мумкин.

ЁҚИМСИЗ ҲИД ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИДАН
ХАЛОС ЭТАДИ

Тамаки махсулотларига қарамлик — асримиз муаммоларидан бири. Шу боис ҳам бундай махсулот ишлаб чиқарувчи компанияларга қарши чора кўриш йилдан-йилга кучаймоқда.

Кўпгина давлатларда жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинган, ҳатто тамаки нархининг кескин оширилишига қарамай, ижобий натижага эришиш қийин кечмоқда. Шунинг учун ҳам бир гуруҳ олимлар муаммони бартараф этишнинг илмий йўлларини изламоқда. Улар никотинга қарши ёқимсиз ҳид билан курашиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Бунинг учун тамакидан кўнгил узолаётган чекувчиларнинг уйида махсус тадқиқот олиб борилди. Улар ухлатганида бадбўй тухум ва балиқ хонага олиб кирилди. Бу амалиёт бир неча марта такрорлангач, тажриба иштирокчилари чекадиган тамаки махсулотларига ҳам шундай ҳидли воситалар аралаштирилди. Натижада кўнгилчилар орасида тамаки махсулотларини истеъмол қилиш кескин камайгани кузатилди. Демак, мазкур усул билан зарарли одатдан воз кечиш ва саломатлиқни тиклаш имкони пайдо бўлди.

Олимларнинг фикрича, биргина ёқимсиз ҳид чекишни бутунлай ташлаш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Мухими, истеъмолчида ички хоҳиш ва истак ҳам бўлсин. Ирода ва сабр ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва жамоат ташкилотлари табиий фанлар факультети «Ботаника, экология ва ҳужайра биологияси» кафедрасининг катта ўқитувчиси Махин Исабековга отаси

Абдурахмон ТУРДИЕВНИНГ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бўш (вакант) ўринларга катта ўқитувчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Инглиз тили; жисмоний тарбия кафедралари катта ўқитувчилигига.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, кадрлар бўлими. Тел.: 246-03-92

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қуйидаги кафедралар бўйича доцент ва катта ўқитувчи лавозимларига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси
2. Катта ўқитувчи (миллий истиқлол ғояси)
3. Педагогика, психология ва менежмент кафедраси
4. Доцент, фан номзоди (психология)

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги хужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- институт ректори номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларининг нусхалари;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси, олий таълим муассасасида камида 3 йил, умумий ўрта мактаб тизимида камида 5 йил иш стажига эга бўлиши талаб этилади;
- паспорт нусхаси (прописка билан);
- илмий ва ўқув-методик ишлари, ҳисоботлар, ижодий ишлари рўйхати ва фотоальбому, каталоглар.

Хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур институтнинг кадрлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй. Тел.: 255-43-75, Факс: 255-33-28

— Институтда ўқиб юрган пайтим Комила исмли қиз билан танишиб қолдим, — деб гап бошлади ҳамроҳим.

Менинг қулогим динг, уни диққат билан тинглардим.

— Бир қарашдаёқ сипо,

Шу пайт тўсатдан Коми- ланинг овози эшитилди-ю, дарров ўғирлики унга юз- ландим:

— Чимилдикни яна нима дейиш мумкин?

— Нима у?

ГЎШАНГАНИ БИЛМАГАН ҚИЗ

одми бу қизнинг қайси мил- латга мансублигини билиш мушкул эса-да, ўзбек тилида равон гапириши турли ўйлар- дан халос этарди. Яна бир жиҳати, унинг инглиз, немис, испан тилларида эркин гапи- риши кишини бироз шубҳа- лантирарди ҳам.

Бир куни сканворд ишлаб ўтирарканман, "чимилдик"нинг синонимини топиш керак бўлиб қолди ва қанчалик урин- май, чарчаганим боис миямга тайинли жавоб келмади.

Аввалига яхши эшитмади, деган ўйда саволни такрор- лаганим ва елка қисганидан хайратга тушдим. Негадир миям шу даражада тез иш- лардики, гўё ер юзини да- қиқада айланиб чиқадиган- дек.

— Шуниям билмайсизми, синглим?

— Йўқ...

Жавоб дарров миямга келди-ю, бўш ўринга ёздим: "гўшанга"...

ТЎЙ ТАШВИШИ

Уч божа — Жўра домла, Мўмин анди ва Хол- жигит уста суҳбатлашиб ўтираркан, гап айла- ниб, маҳалладаги тўй харажатларига бориб та- қалди.

— Харажатларни қисқартириш учун камроқ меҳмон айтиш керак, тўрт-беш хил овқат шарт- мас, — деди Жўра домла Мўминга уқтириб. — Умуман, бу жуда тўғри масала. Камхарж тўйда барака бор. Биринчидан, овқат зое кетмайди. Иккинчидан, тежалган пулга ёшларга бирор зарур нарса олиш керак. Камхаржлик яхши одат. Тўйга ҳаммани ҳам чакиравермайсан. Мисол учун, мен тўй қилсам, Холжигитни айтаман-у, сизни айтмайман...

Мўмин ажабланиб домлага тикилди-да, ач- чиқланди:

— Айтмай қўя қолинг!

Жўра ака уни юпатишга тушди.

— Нега хафа бўласиз, мисол учун деяпман- ку!

Мўмин андининг афти боришди:

— Мисол учунга мен қолдимми? Мисол учун- га одам кўп-ку!

— Об-бо, тушунсангиз-чи?

— Тушуниб турирман, тўйга айтмайман, де- яписиз.

— Айтаман...

— Тушунарли, энди айтганингиз бефойда...

— Об-бо...

Бир-икки йил бекорчиликдан бе- зиб, савдо билан шуғуллана бош- ладим. Бироз вақт ўтиб иш ўржиб, олди-берди каттариб, шерик керак бўлди. Бундай пайтда одам кўп то- пиллади-ю, бироқ ўзингиз истаган- дек бир сўмга ҳам ҳиёнат қилмай- диганни топиш маҳол. Унга бурсам, бундай дейди, бунга бурсам ундай. Хуллас, шундай хаёллар қуршови-

да юрган кунларимнинг бирида Сангзорга олма олгани бордим. Қидира-қидира Салим исмли бир боғбон йигитниқидан топдим. Нар- хини келишгач, Салим жўра "Бай пули" ташлаб кетинг!" деб туриб олди. Йўл пулини қолдириб, Салимбойга узатдим. У пулни қайта- қайта санагач, сўради:

— Қанча берувдингиз, бой?

— Юз минг! — дедим бироз ик- киланиб. — Кам чиқдимми?

— Кўп берибсиз! Бировнинг ҳақини емайман. Нима, сиздан беш сўм кўп олиб, шаҳар қура- римдими?! Манг, олин!

ШЕРИК

рак эди. Битта синиб ямалган яшиқни олдим-да, тарозига қўйдим.

— Ака, бунингиз синиқ-ку! Ўх-хў, гирдига тахта қоқиб чиқиб- сиз. Албатта, тарозини босиб ке- тали-да! Бошқасини топинг!

Бутун яшиқни бўшатиб тарози- га қўйдик. Салимнинг кўнгли жойига тушди. Келишгандек пул- ни тўлаб, Сирдарёга йўл олдик.

Бозордан қайтгач, тўғри Салим- никига отландим. У бировга ҳақини бермайдиган, бировнинг ҳақини ҳам емайдиган — мен излаган ше- рик эди.

ХЎЖАМҚУЛ БОБОНИНГ ХИСЛАТИ

Хўжамқул бобо чалғойи кенг, нияти тоза, бегубор киши эди. У ҳақида гап кет- са, одамлар: "Экин қадасанг, Хўжамқулга шерик туш!" дер- ди. Деҳқончиликни-ку қўйинг, ҳатто бозор-ўчарда ҳам бо- бонинг иши ўржирди.

Хуллас, ўша йили ҳамал кечикиб, кургоқчилик тўтди. Ерда нам йўқ. Отам бир хал- та нўхатни тракторга юклаб, мени эргаштириб далага олиб борди. Хўжам бобо ўша ерда бемалол, қўлини бели- га қўйиб юраркан, кирга экин сепмоқчилигимизни фаҳм- лаб, шу томонга келаверди.

— Деҳқон бобо, ҳорман! — деди қўзиб.

— Саломат бўлинг, ака. Ҳашарга...

— Майли, ҳашардан қоч-

маймиз, фақат донни сойга сепинг. Бу йил декабрдаям қордан дарак йўқ эди. Унинг устига, қиш қуруқ келди. Қочиб қолгунча сочиб қол, дейди-ку! Сочсангиз, сойдан бир гап чиқар...

Отам сойнинг ажриқ бос- ган тупроғини ҳайдашга огри- ни турган эса-да, кўнди. Сойга экин эдик. Ҳали туп- рокдан нам қочмаганини бил- дик...

Орадан бир ой ўтиб, да- лага бордим; нўхат роса ўсган, шохлаган, бир-иккита донлай ҳам бошлаганди.

Шундагина мен бобонинг хислати авлиёлигидега эмас, балки катта ҳаёт тажрибаси- га эгаллиги, синчи ва қузатув- чанлигида эканини тушунган- ман.

Ҳайдовчининг жағига мушт тегди-ю, "шилк" этиб ерга чўзилди. Мушт урган амаки эса пинагини бузмай нари кетди. Ҳамма уни кой- иб, ҳайдовчининг ўрнидан кўзғалишини кута бошлади.

— Нимага урди, болам? Сўқдингма? — деди бир отахон шофёрнинг қизар- ган, шилинган жағига тики- либ. — Хўп десанг, бир жой- инг камайиб қолармиди?..

— Бекордан бекорга ур- майди-ку! Арпасини хом ўрдингми? — Гапга аралаш- ди чеккароқда ўтирган кам- пир.

ЛАФЗСИЗГА БИР МУШТ

Йигирма беш-ўттиз қадам олислаган ҳалиги амаки бирдан ортига қайтиб, биз томонга келаверди. Аввали- га атрофдагилардан ёрдам кутган таксичи индамай ин- гранди, кейин аканинг ва- жоҳатини сезиб, иргиб ўрнидан туриб қочди.

Амаки унинг ортидан мушт ўқталди.

— Мурдангиз ёриш керак сенинг!.. Лафзсиз. Йўловчи қидириб юрасан-да, минг сўм кўп бераман, деса ай- нийсан!

У ёнимизга етиб келгач, тушунтира кетди:

— Эрталаб машинасига ўтирувдим, ўн мингга. Мана, икки соат кутдим, энди одам кўпайиб, йўлқира нар- хи ошганда бу номерд қур- гур хе йўқ, бе йўқ "Тушинг, ўзингизга бошқа машина топинг!" деб турибди. Жаҳ- лим чиқади-да, тўғрими?

Шундагина масаланинг тағига етдик. Йигилганлар амакига қараб бирварақа- йига шундай дейишди:

— Жағини синдирсангиз, савобга қоларкансиз...

Бор гапдан хабар топган йўловчилар белафз ҳайдов- чининг автомобилидан ту- шиб кетишди.

ИКИР-ФИКРЛАР

Ҳар бир ўқитувчи, шубҳасиз, болалар- нинг идеалидир. Де- мак, у келажакнинг ҳам қисман идеали.

Болалар ўйнаётган- да уларга икки тоифа одамга қўйилади: биринчиси — дониш- мандлар, кейингиси эса ўқитувчилардир.

Болаларни севиш керак, улар риёни билмайди.

Болаларча руҳият — ўқитувчини бола- ларга боғлайдиган энг катта риштадир.

Холбининг чаноғини термаимиз!

Мазмуни: Бу мушкул ишни қилмаймиз. Бу юмушни бажариш қўлимиздан келади-ю, бироқ қилмаймиз, деган маъ- нода ишлатилади.

Мен бу иборани пахта те- римига чиққан кезларим эшитгандим. Айтишларча, Холбиби деган хотин бўлиб, катта даласида одамларни ишлатиб, бир чаноқ қолса ҳам, уларни қайта-қайта ан- гар оралатаркан.

Шубҳасиз, пахта теримида бир чаноғини теришдан оғири йўқ: зерикарли, вақт ўғирлай- ди, тош босмайди.

Вариантлари: Холбиби- нинг чаноғидек гап. Буни қил- гандан Холбининг чаноғи- ни терган яхши.

Умид акадан сўранг!

Мазмуни: Сиз қидирган нарсга ҳеч кимда йўқ. Ўзингда йўқ, оламда йўқ.

Бу ибора қуйдагича келиб чиққан: қишлоқ ҳазилкашлари одамларга нима керак бўлса, "Умид акага боринглар, Умид

БИР ҲОВУЧ ДУР

Халқ тили — фольклор доясида. Чолу кампирлар эса фольклор ташувчилари. Уларга қулоқ тутсангиз, маълум ҳудудда ишлатиладиган мақол, матал, иборалардан завқла- насиз. Ҳатто бугунги давр, қаҳрамон ва ҳолатларга хос ибораларни тинглаб, синчков кузатувчилардан иборанинг туғилиши, тарихини билиб оласиз.

Маълум ҳудудда хос ва айнан ўша жой аҳолиси учун таниш одамлар характери тилдан-тилга ўтиб, ахйир, иборага айланиб кетган. Бундай ҳодисани юртимизнинг турли жойларида учратиш мумкин. Қуйида Жиззах вилояти Бахмал туманида иш- латилган ана шундай иборалардан намуналар келтирамиз.

акадан сўранг", деб уникига жўнатаверган. Аммо унда ҳеч нарсга йўқ экан-у, борган сари унинг жаҳли чиқавераркан. Бора-бора бу ибора тарқалиб, турли вариантлари пайдо бўла бошлаган.

Файбулла аканинг эшагини қидирдингми?

Мазмуни: Бунча йўқолиб кетдинг! Дарров қайтаман, деб кеч келадиган одамга нисбат берилади. Пичинг, ке- сатиқ оҳангида.

Айтишларча, Файбулла аканинг хангиси бўлиб, ар- қонни узиб ёки қозигини су- гуриб ханграб қочаркан-да, уч-тўрт кунлаб йўқолиб кетар-

кан. Эшакнинг ханграганини эшитган эгаси ўша жойга боргунча у аллақачон бошқа жойга кетиб бўларкан.

Варианти: Файбулланинг эшаги ипини узибдими? (Бу ибора кўп вақтга йўқолиб ке- тиб, бирор хунарни бошлаган кишига нисбатан ишлатила- ди.)

Димоғи Учқизтовдай

Мазмуни: Манман, калон- димоғ кишига нисбат берила- ди.

Туркистон тизма тоғларида Учқиз деган чўққи бор. Ибора- да шунга ишора бор. Иягини бўлар-бўлмасга кўтаверади-

ган одамга нисбатан ишлати- лади.

Варианти: Бурни Учқизга тегиб кетсайди.

Буни ё Холжигит олади, ё мен...

Мазмуни: Камхаридор нар- саларнинг нарҳини тўшириш учун ишлатилади.

Холжигит деган бой бўлиб, энг арзон, сифатсиз маҳсулот сотиб оларкан-да, мактанар- кан. Эл қараса, бир сўмга қиммат.

Варианти: Буни Холжигит- га сот, олмасга, тўрвангги кўтаравер...

2014-yil 19-noyabr, № 93 (8742)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бир вақтлар аёлларнинг спорт билан шуғулланиши у ёқда турсин, ҳатто спорт кийимини кийиши ҳам тасаввурга сиғмасди. Аёлларимиз асосан уй юмушлари, оғир шaroитда дала ишларидан бўшамасди. Бугун замон ҳам, инсонларнинг дунёқараши ҳам бутунлай ўзгарди. Жонажон юртимизда мунис опа-сингилларимизнинг, муътабар оналаримизнинг ҳурмати жойига қўйилди, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб, эркаклари билан тенгма-тенг, елкама-елка туриб, халқимиз, Ватанимиз равнақи, шуҳрати учун ҳисса қўйишига замин яратилди. Энг муҳими, уларнинг ширин орзулари, бегубор ниятлари дилининг тубида армон бўлиб қолмай, юзга чиқаяпти.

Зеро, бу борада Юртбошимиз шу йили 8 март Халқаро Хотин-қизлар куни байрами муносабати билан Ўзбекистон

лиш мумкин. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 нафари, Сенат аъзоларининг 16 нафари аёл эканлиги эътирофга сазовордир. Яна минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органларида, нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимида фидокорона ишлаётир.

Жорий йилнинг Президентимиз ташаббуси билан Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ва «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг турмушимизга татбиқ этилиши жисмонан соғлом ва маънан етук, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдек устувор вазифани рисоладагидек амалга ошириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарди. Аёллар, Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила деб номланган йилларда бажарилган ишлар халқимизнинг эзгу орзу-интилиши бўлган соғлом болани дунёга

ҳамкорлик; аёллар ва оилавий спортни ривожлантиришга қўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этиш масалаларида қатор ютуқларни қўлга киритаямиз. Бунда оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва юртимизнинг шаҳарларидан то чекка қишлоқларигача кириб бориш механизмидан самарали фойдаланаямиз. Улар мurosасиз баҳсларда спортнинг дўстлик ва саломатлик гарови эканига такрор-такрор ишонч ҳосил қилмоқда.

Қўмига қошида ташкил этилган «Аёл ва спорт» комиссияси юртимизнинг барча ҳудудларидаги маҳаллаларда яшовчи хотин-қизлар, оддий уй бекаларини оммавий спортга жалб этиш, спортнинг муайян турлари бўйича аёл мураббийларни тайёрлаш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, «Аёллар спорт фестивали», «Соғлом аёл — соғлом жа-



2014 йилда ушбу мукофотга 16 нафар қиз муносиб деб топишган бўлса, уларнинг 10 нафари маҳаллий ва халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришиб келаётган спортчи қизлардир.

ҳамда жаҳон чемпионатлари ғолибу совриндорларини ортда қолдириб, 1-ўринни банд этди.

— Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали хотин-қизлар соғлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга, — деди Осиё ўйинлари ғолиби Жамила Раҳматова. — Мен учун спорт ҳаётнинг энг баланд чўққилари сари бошлайдиган эзгу йўл. Жанубий Кореяда ўтган нуфузли спорт байрами жамоамиз учун омадли ўтганидан мамнунман. Ўзбекистон делегацияси учун олтин медални тақдим этиш катта бахт. Аждодларимиз, молларимиз уй ишлари ва болалар тарбиясидан ортиб, спорт билан ҳам шуғуллангани, от миниб, ҳатто ёвга қарши жангга кирганидан хабардормиз. Бугун мустақил юртимизда биз хотин-қизлар учун ҳар жабҳада яратилган кенг имкониятлар орзуларимизнинг рўёбга чиқиши, Барчанино Тўмарис сингари март ва дилбар аёлларимиз издошлари этишиб чиқишига замин бўлмоқда. Замонавий шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз устимизда ишлаяймиз, малакали мураббийлардан сабоқ олаямиз. Муҳими, мунтазам равишда олимпияда, жаҳон ва қитъа чемпионатларида қатнашиб, юртимиз куч-қудратини дунёга намоян этаямиз. Жаҳоннинг манамен деган юртиларидан келган тенгдошларимиз билан ҳаёжонга бой мусобақаларда минглаб хорижлик томошабинлар кўз олдига зафар кучиб, Ўзбекистон фарзандлари, хусусан, спортчи қизлари ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини, керак бўлса, бир бош баланд эканини намойиш этаямиз. Буларнинг барчаси учун юрти, халқига фидойи ва жонқуяр Юртбошимизга ўз миннатдорлигини билдираемиз.

Ҳа, тинчлик ва осудалик ҳукмрон мамлакатимиз фўқаролари бугун дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга. Ишбилармону спортчиларимиз, олим уйждоркорларимиз Ўзбекистон номини Ер шарининг энг нуфузли минбарларида, майдонларида улуглапти. Эътибор ва интилуш бор жойда муваффақиятлар, ғалабалар сони ортиб боруверади, албатта. Ушбу ютуқларимизга жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлган хотин-қизларимиз ҳам каттагина улуш қўшаётгани эса, шубҳасиз, фахримиз, ифтихоримиздир.

Зохиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

МУҲАББАТ, ВАФО ВА САДОҚАТ



ҳар бир ўзбек аёлини маънавий жасоратга чорлайди

мият», «Гимнастика барча учун», «Мен, отам ва онам — спортчилар оиласи» каби аънавий мусобақалар ўтказилмоқда. Ҳар бир умумхалқ байрами муносабати билан маҳаллаларо уй бекаларининг спорт мусобақалари ҳам мунтазам ташкил этилмоқда.

Қишлоқ аёлларини спортга кенг жалб этишда, аниқки, аёл мураббийлар фаоллиги муҳим. Шу маънода, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Хотин-қизлар спортини ривожлантириш» йўналиши ташкил этилди. Агар 1999 йилда аёл мураббийлар сони 2845 нафардан ошмаган бўлса, айти пайтда бу кўрсаткич 15 минг нафардан зиёд. Улар жойларда волейбол, бадминтон, стол тенниси, бадий гимнастика, сузши, баскетбол, шашка ва гимнастрада ўйинлари ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хотин-қизларимиз ҳаётини янада яхшилаш, уларнинг турмушини энгиллатиш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар шунчаки, оғизда қолиб кетаётгани йўқ, балки ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланмоқда. Хабарингиз бор, чекка қишлоқ ва овулларда меҳнат қилаётган аёл мураббийларни меҳнатига яраша рағбатлантириш мақсадида Президентимиз қарори қабул қилинган. Унга кўра, қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида фаолият кўрсатаётган аёл мураббийлар машоарига 15 фоиз устама белгиланганлиги ҳам маъзкур соҳага қаратайлаётган улкан эътибор самараси, албатта.

Маълумки, ҳар баҳорда юртимизнинг қатор соҳада фаол ва интилувчан қизлари Президентимиз фармониға мувофиқ, Зулфия номидиға давлат мукофоти билан тақдирланади.

хотин-қизларига йўллаган байрам табриғида ҳам алоҳида тўхталди: «Мустақиллик йилларида юртимизда 13 нафар описингилларимиз «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий унвонга мушарраф бўлдилар. Лекин менга буюрса, ҳам давлат хизмати, ҳам жамоат ишини, ҳам оила ва рўзгор юмушларини, ҳам фарзанд тарбиясини қўйил қилиб бажариб келаётган барча-барча аёлларни қаҳрамон деб айтган бўлардим.

Дарҳақиқат, айти кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли бўлган хотин-қизларимизнинг 62 фоиздан зиёди турли соҳаларда ишлаб, элу юрт равнақи учун ўз ҳиссасини қўшмаяпти. Хусусан, бугун умумий ўрта таълим мактабларида сабоқ бераётган устоз ва мураббийларнинг 70 фоизга яқини, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ишлайтган педагогларнинг 50 фоизиди ҳамда олий ўқув юртиларида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг 43 фоизи аёллар ҳиссасига тўғри келаяпти. Ҳотин-қизлар билан шуғулланишда Чиндан ҳам, бугун аёлларимизни спорт ва жисмоний тарбияга фаол жалб этиш ва қундалиш турмуш тарзига сингдириш ҳар жиҳатдан муҳимдир. Хотин-қизлар ва болалар соғлигини сақлаш бўйича давлат дастурини амалга ошириш; соғлом оилаларни шакллантириш масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро

келтириш ва тарбиялашдек юксак мақсадга уйғундир. Ахир ўзбек бу ёруғ дунёда болам деб, элим-юртим деб яшайди. Фарзандининг камолини кўрса, кучоғида тинч-тотув яшаётганини ҳис этса, умридан баракка топади, ҳаётдан рози яшайди.

Албатта, аёлларимизни спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзига чорлаш, айтиқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир чоратадбирларни изчил бажаришда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ўзига хос ўрни бор. Ташкилотнинг «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» бўлими фаолияти айнан мазкур масалага қаратилган.

— Мазкур бўлимнинг умумий ва икита устувор йўналиши бор, — деди қўмига раиси ўринбосари Нилуфар Тожибоева. — Бўлим асосан оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари билан шуғулланади. Чиндан ҳам, бугун аёлларимизни спорт ва жисмоний тарбияга фаол жалб этиш ва қундалиш турмуш тарзига сингдириш ҳар жиҳатдан муҳимдир. Хотин-қизлар ва болалар соғлигини сақлаш бўйича давлат дастурини амалга ошириш; соғлом оилаларни шакллантириш масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро

Қолаверса, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, лўнда қилиб айтганда, гендер тенглиги борасида Ўзбекистон юзлаб мамлакатларга ҳар жабҳада ўрнат. Буни она Ватанимизнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётида аёлларимиз фаоллиғидан би-



КИТОБ-ҚАЛБ ГАВҲАРИ, КЎНГИЛ ЗИЙНАТИ

2014—«Соғлом бола йили» Давлат дастурида фарзандларимизни лотин графикасидаги адабиётлар билан таъминлаш вазифаси белгиланганлигини инобатга олиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази фарзандларимизнинг дунёқараши кенг, маънан баркамол ва интеллектуал салоҳияти юксак инсонлар бўлиб вояга етишишларига ҳисса қўшиш мақсадида «Камолот» кутубхонаси» рўқнда жаҳон ва ўзбек адабиётининг олтин меросидан ўрин олган 100 номдаги асарни нашр эта бошлади.

Бутунги кунда 36 номдаги асарлар китобхонларимиз эътиборига ҳавола этилди. Мазкур китобларимизнинг ўқувчилар қўлига етиб боришида устозлар, ота-оналаримизнинг хизматлари катта. Ниятимиз, нашриётимиз томонидан тақдим этилаётган ҳар бир китоб фарзандларимиз қалбда эл-юртга садоқат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотсин.



Мурожаат учун манзил: 100113, Тошкент шаҳри, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60. Телефон: (+99871)273-56-45, 128-78-43.
web-сайтимиз: www.yangiasr.uz интернет-дўкон: www.yangiasr.uz e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
О'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, О'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бoш муҳаррир Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1124. Tiraj 39028.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

ТЕЛЕФОНЛАР:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'za yakuni — 21.20 Topshirildi — 21.45

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Naybachi muharrir:
Olimjon JUMABOYEV.
Naybachi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

2 3 4 5